



38  
(1460)-son  
9-oktabr  
2020

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Почта тизими даромадли соҳага айлантирилади **2-бет**

### ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Тошкент вилоятида ТАТУ филиали ташкил этилади **3-бет**

### ЭКСПОРТ-ИМПОРТ

Ассоциация экспортёров стала представителем Alibaba **6-бет**

### ТИЛ — МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Ўзбек тили чиндан ҳам давлат ва халқ тили даражасига эриша олдими? **7-бет**

### ОДОБ, АДАБ, ОДАМ

Яхшининг яхшилиги сунистеъмол қилинмаса... **9-бет**

### АЛОҚА ОЛАМИДА


Биринчи буклама ноутбук сотувга чиқди **12-бет**

### МАСЛАҲАТ

Виртуал ҳаётингиз хавфсизлигининг 7 усули **16-бет**

## “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси амалга оширилади

“Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони (ПФ–6079-сон, 05.10.2020 й.) қабул қилинди.



### ЖАМИЯТ ВА АКТ

## ЯККАБОҒДА 5,82 млрд. СЎМЛИК ЛОЙИҲА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Иқтисодиёт ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларига илғор АКТни фаол жорий этиш ва коррупцияга қарши самарали курашишда “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини йўлга қўйиш бугуннинг устувор масалаларидан биридир. Шуларни инобатга олиб, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани рақамли трансформация қилиш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Яккабоғ вилоят қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига ихтисослаштирилган туманларидан бири ҳисобланиб, ҳудудда бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, туманда телекоммуникация инфратузилмаси ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш йўлида замонавий телекоммуникация хизматларини кенгайтириш учун йил якунига қадар кенг чиқиқли телекоммуникация тармоғи 512 портага кенгайтирилиб, 43 км. масофага оптик толали алоқа кабеллари ўрнатилди. 21та маҳалла фуқаролар йиғинида оптик толали алоқа линияларини қуриш ва юқори тезликдаги телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ташкил қилинади. Мобил алоқа ва мобил интернет сифатини яхшилаш мақсадида йил якунига қадар туманлар (Оқтош, Тутак, Ис-



тиқлол, Чўмич, Эдилбек, Жамбул ва Нуғайли МФЙ)га жами тўртта 3G/4G ва учта 2G/3G ҳамда 2021 йилнинг биринчи чораги давомида иккита мобил база станцияси ўрнатилди.

### ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ САЙТЛАРИ

#### (СЕНТАБР, ТОП-5)

Сентябр ойида, кириш имтиҳонлари сабабли ОУМТВ сайтига ташрифлар энг юқори бўлди.

1. [edu.uz](http://edu.uz) – 690 460 (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги);
2. [uzedu.uz](http://uzedu.uz) – 96 483 (Халқ таълими вазирлиги);
3. [mfa.uz](http://mfa.uz) – 90 832 (Ташқи ишлар вазирлиги);
4. [ejarlma.uz](http://ejarlma.uz) – 75 724 (ИИВ ТМБ ахборот сервис);
5. [mehnat.uz](http://mehnat.uz) – 69 743 (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги).

## 2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиш, худуддаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 2 октябр куни Нукус шаҳрида бўлди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 октябр куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин, 7 октябр куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳамда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Зехавит Бен Хиллелни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон - Исроил муносабатларининг жорий ҳолати ва алоқаларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, шунингдек, БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.**


● **7 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ва Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамкорлигида "Ёшлар парламенти: ҳамкорлик ва тараққиёт сари одимлар" мавзусида онлайн давра сўхбати ўтказилди.**

● **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган навбатдаги "Ҳукумат соати"да депутатлар "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар онгига оилавий қадриятларни сингдириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масалани муҳокама қилди. Куйи палатадаги ЎзХДП фракциясининг ташаббуси билан кўтарилган ушбу масала юзасидан ўтказилган тadbирда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов депутатларнинг саволларига жавоб берди.**

● **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор эълон қилинди.**

# Почта тизими даромадли соҳага айлантирилади

**Президент Шавкат Мирзиёев 5 октябр куни миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**



Почта тизимини хат, жўнатма ва товарлар етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш орқали соҳани барқарорлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. "Ўзбекистон почтаси" АЖ тизимида мамлакатимизнинг барча худудларини қамраб олган 2 мингдан зиёд бўлинма, 7 минг нафар ходим бор. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида почта хизматининг ўрни пасайиб кетди. Хусусан, сўнгги ўн беш йилда 1 минг 300та почта бўлинмаси ёпилган. Ўтган йили хориждан келган 6 минг тонна жўнатмаларнинг атиги 10 фоизи, қурерлик хизматларининг 30 фоизи миллий почта ҳиссасига тўғри келган.

Шу боис жойлардаги аҳвол ўрганилиб, Осиё тараққиёт банки экспертлари иштирокида почта тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тайёрланди. Йиғилишда ушбу чора-тадбирлар Сергели, Янгикўрғон ва Тошкент туманлари почтаси мисолида тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари соҳани ривожлантириш учун почта тизимини даромад келтирадиган соҳага айлантириш зарурлигини таъкидлади. Хусусий операторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшимча хизматларни тақдим этиш орқали почта бўлимлари даромадини ошириш мумкинлиги айtilди.

Масалан, ҳозирги кунда электрон савдо ривожланмоқда. Интернет орқали сотиб олинган товарни эгасига етказиб беришга доим талаб бор. Қолаверса, юртимизга кириб келган халқаро ташувчи компанияларнинг худудларда филиаллари йўқ. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, почта жўнатмалари ва маҳсулотларни яқуний манзилга етказиб беришни йўлга қўйиш яхши самара беради.

– Почта соҳасидаги энг асосий вазифа одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдир, – деди Президент.

Йиғилишда яқуний манзилга етказиш тизимини туманларда тажрибадан ўтказиб, келгуси йил 1 мартдан вилоят марказлари-

да, 1 июлдан мамлакат бўйича жорий этиш режаси белгиланди. Бунинг учун жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган ахборот тизимини ишга тушириш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, шу йил якунигача миллий онлайн савдо майдончасини жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Бу тизим орқали тadbиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотини республика бўйича савдога чиқаради, миллий оператор уларни манзилга етказиб беради. Бунда "Ўзбекистон почтаси" харидор ва сотувчи ўртасида қафил бўлади. Шу мақсадда келгуси йили Тошкент шаҳрида логистика марказини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Соҳа даромадини таъминлаш учун яна бир манба – унча мураккаб бўлмаган давлат хизматларини почта бўлимларида ҳам йўлга қўйиш. Шу нуқтаи назардан, "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг олис худудлардаги 300та бўлинмасида 13 хил давлат хизмати кўрсатишни ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Шунингдек, дастлаб Сергели, Янгикўрғон ва Тошкент туманларидаги почта бўлинмаларида нақд пул инкассацияси, пластик карта амалиёти каби банк хизматларини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Сўнгги тўрт йилда "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти томонидан матбуот тарқатиш ҳажми 3 баробарга камайиб, унинг жами матбуот тарқатишдаги улуши 13 фоизни ташкил этмоқда.

Мутасаддиларга босма нашрларни қўллаб-қувватлаш учун матбуот тарқатиш тизимини ривожлантириш, даврий нашрларга онлайн обуна хизматини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Янги почта хизматларини йўлга қўйиш учун ходимларни қайта тайёрлаш, почта биносини давлат-хусусий шериклик асосида тadbиркорлар билан бирга ишлатиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

## ➔ ХАМКОРЛИК

### ТАТУда Муҳаммад ал-Хоразмий илмий меросини татқиқ этишга бағишланган халқаро конференция ўтказилди

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида Озарбайжоннинг АДА университети, Электротехника ва электроника муҳандислари институти ҳамкорликда "XIV IEEE Ахборот-коммуникация технологиялари татбиғи халқаро конференцияси" онлайн форматда ташкил этилди.

Конференцияда 20дан ортиқ мамлакат олимлари 100дан ортиқ илмий мақолалари билан иштирок этмоқда.

Жаҳонинг етук салоҳиятли мутахассислари алгоритм-

лар, дастурий таъминот инжинерияси, киберхавфсизлик, телекоммуникация ва тармоқ технологиялар каби жами 12та секцияда онлайн тақдимотлари билан иштирок этмоқдалар.

Конференцияда Шарқнинг етук алломаларидан бири бўлган Муҳаммад ал-Хоразмийнинг илмий мероси – математика, астрономия ва замонавий ахборот технологиялари соҳаларига қўшган тенгсиз ҳиссаси хорижий мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Конференция ўз ишини бугун, 9 октябр куни якунлайди.

# “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси амалга оширилади



## Мажбурий тўловларни онлайн режимда тўлаш имконияти яратилади

Фармон билан қуйидагилар тасдиқланди:

● “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”;

● 2020–2022 йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари.

Белгиланган йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари доирасида, жумладан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этилади.

Фармон билан 29та намунавий туман (шаҳар)ларда 2020 йилда ва 2021 йил 1 чораги якунига қадар рақамли трансформация қилиш лойиҳалари амалга оширилади.

2020 йил 1 ноябрдан инвестиция лойиҳалари ҳамда жалб этилаётган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатлар маблағларининг 5 фоиздан кам бўлмаган қисми “рақамли” компонентларга йўналтирилади.

Фармонга мувофиқ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ҳамда Адлия вазирликлари ва улар тасарруфидаги ташкилотларда “Рақамли идора” лойиҳаси амалга оширилади.

Лойиҳа доирасида, жумладан, 2022 йил 1 январга қадар қоғозсиз электрон ҳужжат алмашинуви ва иш юритишни ташкил қилган ҳолда барча маъмурий тартиб-таомиллар ва операциялар жараёнлар рақамлаштирилади.

2021 йил 1 августдан давлат божлари, йиғимлар, жарималар ва бошқа мажбурий тўловларни онлайн режимда тўлаш имконияти яратилади.

## Ҳар бир аҳоли пункти 10 Мбит/с дан кам бўлмаган интернетга улашиш имкониятига эга бўлади

Фармонга мувофиқ:

2020 йил 1 ноябрдан барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига рақамлаштириш бўйича ўринбосар (Chief Digital Officer) вазирлик ва идоралари юклатилади.

2021 йил 1 январдан:

● фуқаролар томонидан тизим бошқаруви, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда халқаро IT-сертификатларини олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисми қоплаб берилади;

● тажриба тариқасида жисмоний шахс-

га идентификация ID-картасини беришда давлат органлари билан электрон муносабатларни йўлга қўйиш учун унинг шахсий кабинети шакллантирилади;

● барча учун очик бўлган маҳаллий дастурий маҳсулотлар ва IT-хизматлар электрон платформаси яратилади.

2021 йил 1 июлдан Очик маълумотлар порталида давлат харидларини амалга ошириш, патентлар, дори воситаларини рўйхатга олиш ва бошқа умумфойдаланишдаги статистик маълумотлар онлайн жойлаштириб борилади.

2021 йил 1 сентябрга қадар ҳар бир туман ва шаҳарларда мавжуд инфратузилма объекти негизда кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшлар ва аёллар учун рақамли технологиялар ўқув марказлари очилади.

2022 йил 1 январга қадар барча машхур сайёҳлик жойлари юқори тезликдаги интернет билан таъминланади.

2022 йил якунига қадар ҳар бир аҳоли пункти 10 Мбит/с дан кам бўлмаган маълумотларни узатиш тезлигидаги интернет тармоғига улашиш имконияти билан таъминланади.

2023 йил якунига қадар барча туман ва шаҳарларда мавжуд таълим муассасалари негизда 200дан ортиқ информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади.

## ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ



## Тошкент вилоятида ТАТУ филиали ташкил этилади

“Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-4851-сон, 06.10.2020 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, республика туман (шаҳар)ларида мавжуд умумтаълим мактаблари негизда информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади.

Шунга қўра, жорий йилда мазкур йўналишда 14та таянч мактаб, 2021–2023 йилларда эса республика бўйича жами 205та ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши белгиланган.

2020/2021 ўқув йилдан:

● мактабларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фани “Бир миллион дастурчи” лойиҳасига оид ўқув дастурлари билан интеграция қилинади;

● мазкур лойиҳа доирасида ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган мактабларнинг 100 нафар энг яхши “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчиларини ҳар йили БХМнинг 20 баравари миқдорда бир марталик мукофотлаш тизими жорий қилинади.

2021 йил 1 мартга қадар ушбу фан ўқитувчиларини сертификатлаш миллий тизими жорий қилинади.

2021 йил 1 сентябрдан рақамли кўникмаларни эгаллаш даражаси бўйича тегишли сертификатга эга бўлган ихтисослаштирилган мактабларнинг ушбу фан ўқитувчиларига БХМнинг 50 фоизи миқдорда ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

2021/2022 ўқув йилидан Тошкент вилоятида Тошкент ахборот технологиялари университети филиали ташкил этилади.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

## “Ўзбекистоннинг IT-истеъдодлари” портали ишга тушади

“Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, ОТМнинг тегишли таълим йўналишлари талабалари ўртасида информатика, дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳаларида ўтказиладиган республика ва нуфузли халқаро олимпиадалар совриндорлари бўлган талабалар ОТМнинг тегишли магистратураси йўналишларига ажратилган квота доирасида давлат грантлари асосида имтиҳонсиз қабул қилинади.

2021/2022 ўқув йилидан ушбу йўналишларда кадрлар тайёрлаётган барча ОТМ мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари ўртасида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича кўп босқичли (туман (шаҳар) – вилоят – олий таълим муассасаси) ўз олимпиадаси ўтказилади.

Танловда 1–3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар биринчи ўқув йили учун тўлов ОТМнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳолда имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинади.

2021 йилдан “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган профессор-ўқитувчилар бир ойлик маош миқдорда бир марталик мукофотланади.

ОТМнинг информатика ва ахборот технологиялари билан боғлиқ таълим йўналишлари бўйича имтиёзли дипломга эга битирувчилари мазкур ОТМнинг магистратурасига кириш имтиҳонларисиз тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Мактабларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича ўрта-маҳсус маълумотли ва камида 1 йил педагогик иш стажига эга ўқитувчилари ТАТУга педагогика йўналиши бўйича масофавий ўқитиш шаклида тўлов-контракт асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Шунингдек, 2021 йил 1 январга қадар “Ўзбекистоннинг IT-истеъдодлари” портали ишга туширилади.

Порталда, жумладан, дастурлаш соҳасида ўтказиладиган олимпиадалар, танловлар ва акциялар тўғрисида маълумотлар жойлаштириб борилади.

# САБРНИНГ ОЛТИНЛАРИ

**Фаргона шаҳар почта алоқаси боғламасида саккиз ойликда 309 млн. сўм соф даромад олишга эришилди. Бу филиал умумий даромадининг 25 фоизи демакдир.**

Боғламада битта амалиёт зали мавжуд, 11та алоқа бўлимида 105 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Вилоятда илгарилаб бораётган замонага мос ва хос фаолият юритиб, салмоқли натижаларни қўлга киритаётган жамоа янги марралар сари интилмоқда. Бу ютуқларда Фаргона шаҳар почта участкаси 5-алоқа бўлими бошлиғи Фаридахон КАРИМОВанинг ҳам муносиб улуши бор. У Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан узоқ йиллик сидқидил меҳнатлари учун АКТ вазирлиги томонидан “Ўз касбининг устаси” белгиси билан тақдирланди.



билан айтганда, “Бутун аламини меҳнатдан олади”. Иш қайнайдиган почта унинг барча рўзгор ташвишларини унуттириб юборар, бухгалтерия илмига қизиқарди, ҳисоб-китоби кўп иш экан – тап-тайёр бухгалтер бўлди. Ҳар куни почтачи неча-нечалаб турфа феълли одамлар билан мулоқотга киришаркан – психолог бўлди-қолди. Муомала маданияти нечоғли мураккаб бўлмасин, ўрганди, кам бўлмади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, у тез орада почта хизматларининг тарғиботчиси ҳам айланди.

Чиндан ҳам ҳалол меҳнат қилган ноумид бўлмас экан. Филиал ва боғлама раҳбарлари таъкидлаганларидек, “Почтанинг иссиқ-совуғига чидагани, сабрини пойдор этгани учун ҳам шу кунларга, шу мукофотларга – сабрнинг олтинларига етказди”.

– Тантананада мукофотни – “Ўз касбининг устаси” нишони ва Ўзбекистон Республикаси герби туширилган мобил телефонни қабул қилаётганимда барча устозларимнинг сиймолари кўз ўнгимдан бир-бир ўтди, – дейди у ҳис-ҳаяжонларини босишга ҳаракат қилар экан. – Қалбимда Тошкент алоқа коллежида билим берган ўқитувчиларим, туғилиб ўсган Андижон вилояти Булоқбоши тумани почта алоқаси тармоғида илк бор касб сирларини ўргатган, ҳозирда фахрийлик гаштини сураётган Муҳаммадвали Орзиев ва Муқаддасхон ая Салмоновлардан, Фарғонадаги Юлдузхон Абдуллаева ҳамда Гуласалхон Мўминовлардан чексиз миннатдорлик ҳислари тўлиб-тошди. Қайтғач, дийдорларига шошилдим. Уларга аввало ўзимнинг ва қолаверса ҳамisha мени қўллаб-қувватлаб келаётган ота-онам номидан миннатдорчилигимни изҳор этдим. Аслида бу мукофотни мен филиалимиз ва боғламамиз жамоаларига, раҳбариятларига, қўл остида ишлаётган почтачиларим Умида Мирзамаҳмудова, Равшаной Марасулова, Химоятхон Аҳмедова ҳамда Ботиржон Ақромовларга ҳам берилган мукофот деб биламан ва уларга ҳам ташаккурлар айтаман. Почта обрўси учун бор бўлишин. Устозларимга ҳам, ҳамкасбларимга ҳам – барчаларига икки дунё саодатини тилайман.

Қаҳрамонимизнинг ақл, зеҳн, қобилият неъматларидан баҳраманд фарзандлари мақтас мақтагундек камолот ҳосил қилмоқдалар. Почта ишда минг заҳмат билан, югур-югурлар билан олаётган маошига қаноат қилиб, болаларининг репетиторларига ҳам етказиб келмоқда. Ҳа, онаизор ишдан таскин ва барака тоғиб, фарзандларини ўзи орзулаганидек, солиҳ инсонлар қилиб қаторга қўшмоқда. Тўнғичи Моҳинбону Корея давлати Пусан шаҳридаги Ёнсан университети 3-босқич талабаси. Гулшоҳахон қизи яқинда Ўш давлат университети инглиз тили факультети талабалари сафига қўшилди. Темурубек вилоятдаги энг нуфузли математика ва физикага ихтисослаштирилган 1-мактабнинг 10-синфига ўқияпти. У ҳам олий ўқув юртига кириш мақсадида тинимсиз тайёргарлик кўрмоқда. Болаларини гўзал хулқлар билан хулқлантириганига шуқрлар айтаётган Фаридахонни меҳнатда ва фарзандлар тарбиясида қозонаётган галабалари билан чин юракдан табриклар эканмиз, бу йўлда чеккан қийинчиликларнинг роҳатини кўринг, деймиз.

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,**  
“Xabar”нинг  
Фаргона вилоятидаги мухбири

➔ ҚУТЛОВ!

● Реклама ва эълонлар

**СУРАТДА: Фарида КАРИМОВА (ўнгда) ФарДУ талабаси Ҳалимабегим САЙДАМАНОВАга почта хизматлари қулайлиги ва афзалликлари ҳақида тушунча бермоқда.**

Қаҳрамонимиз билан суҳбат асносида бир нарсага амин бўлдим. Яъни, инсон ҳар қандай шароитларда ҳам ирода ва матонатини бой бермай, мақсад сари астойдил интилса, нажот топиши, орзуларига етиши муқаррар экан.

...Фарида тасодифан гамбода кунлар келганда анча эсанкираб қолди. Нима қилиш керак? Нима қилиш керак? Болажонларига нима дейди! Вазиятни нима деб тушуниради? Нима деб? Ейман, ичаман, кияман, деб турган жигарпораларини бир ўзи қандай катта қилади? Бири “Дадам Россиядан қачон келади?” деса, яна бири “Нимага туғилган кунимда дадажоним телефон қилмади”, дея саволларга туттади. Қани, ўринли жавоб топса – уйлаб ўйига етолмасди. Бир кунни тавakkал жавоб беришга уриниб кўрди: Энди мен сизларга ҳам она, ҳам отаман, дея гап бошладию давомини айтолмай, бўғзига бир нима тиқилди. Сўнг... ошжонага отилди. Бундан буён болажонларини кўз ёшларини асло кўрмайди, асло ўкинч нимаю кўнгли яримлик нима – билмайди. Таом тайёрлар экан тўйиб-тўйиб йиғлади ва ўз-ўзига сўз берди: Бошқа-бошқа йиғи-сиги қилмайман. Болаларим албатта бахтли бўлишади. Мен уларни ҳеч нарсдан кам қилмай ўстираман. Олий маълумотли қиламан. Элининг олди бўлишади. Илоҳим, болаларимни илм олувчи ва илмига амал қилувчилардан қилсин. Ҳар қанча меҳнат бўлсин, машаққат бўлсин энгаман!

Шундай қилиб, у ўзини меҳнатга урди. Почтачилик касбининг ипидан игнасига-ча эгаллашга бел боғлади. Ишонди – касби кори уни бахт йўллариغا олиб чиқади, у эса касбининг нуфузини янада ва яна ошириш учун тер тўқади, халқ ишончини қозонган соҳа ривожига кунма-кун ҳисса қўшиб яшайди! Узининг таърифи

**Қадрли ҳамкасблар!**  
**Барчангизни 9 октябр –**  
**Бутунжаҳон почта куну билан**  
**сидқидилдан табриклаймиз.**  
**Соҳани замон талаблари даражасида**  
**ривожлантириш йўлидаги**  
**заҳматли ишларингизда**  
**омадлар ёр бўлсин!**

**“Ўзбекистон почтаси”**  
**акциядорлик жамияти жамоаси.**

**UZBEKISTON POCHTASI**



# МАРКАЗЛАРИМИЗ ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

Яқинда Хоразм вилоятининг Богот туманида Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилди.

Ўқув маркази "Ўзбекистон почтаси" АЖ Хоразм филиалига қарашли бўш турган бинода ташкил этилди. Яъни, объект тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий кўринишга келтирилди. Шунингдек, марказда замонавий компьютер технологиялари, робототехника жиҳозлари, проектор, киберспорт ўйинлари ҳамда ускуналари ва бошқа энг сўнгги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланган. Мухтасар айтганда, ўқув марказ аҳоли ва ёшларнинг ихтиёрида.



Ёшларимизни замонавий ахборот технологиялари соҳасида билим эгаллашлари ҳамда малакасини оширишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар марказда яратилди. Келгусида туман ёшлари ушбу ўқув марказида ахборот технологиялари, дастурлаш соҳаларида инновацион ишланмалар яратиш, стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланишлари ва ҳаётга татбиқ қилишлари ишонимиз, – деди марказнинг очилиш маросимида сўзга чиққан "Ўзбекистон почтаси" АЖ Хоразм филиали директор ўринбосари Рашидбек Қўчқоров.

Бугунги кунда мамлакатимизда Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда "Бир миллион ўзбек дастурчиси" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Худудларда ташкил этилаётган Рақамли технологиялар ўқув марказлари ёшларни ушбу лойиҳада фаол ва самарали иштирок этишларида кўмақдош бўлади.

Нилуфар ЖАББОРОВА,  
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги муҳбири

## ҚУТЛОВ!

● Реклама ва эълонлар

### Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ жамоаси

**Ўзбекистон почта соҳасининг  
барча ходимлари ва фахрийларини  
9 октябр – Бутунжаҳон почта  
куни билан муборакбод этиб,  
почта соҳасидаги заҳматли  
меҳнатларида зафарлар тилайди!**



## ЯНГИ КОРХОНА

### ЖИЗЗАХДА ОПТИК ТОЛАЛИ АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОД ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

5 октябр кун "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида "Оптик толали алоқа кабелларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш" лойиҳаси доирасида "Global Optical Communication Uzbekistan" ("GOC-UZ") МЧЖ Қўшма корхонасининг янги ишлаб чиқариш ҳудудида пойдевор қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўринбосари Жамол Махсудов, Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев, "Жиззах" ЭИЗ вакиллари, "GOC-UZ" ҚК хорижий инвесторлари, "Ўзбектелеком" АК вакиллари ва бошқалар иштирок этдилар.

Оптик толали кабеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Global Optical Communication Uzbekistan» МЧЖ Қўшма корхонасига 2019 йил асос солинган.

Қўшма корхонанинг устав капитали 11 миллион АҚШ долларини ташкил этади, шу жумладан:

- Жанубий Кореянинг компаниялари (55%) – 6 050 000 АҚШ доллари (ишлаб чиқариш ускуналари, материаллар, айланма маблағлар);
- "Ўзбектелеком" АК (45%) – 4 950 000 АҚШ доллари (бино ва иншоотлар).

2020 йилда биринчи босқичда "Global Optical Communication Uzbekistan" ҚКнинг "Жиззах" ЭИЗдаги мавжуд биносида Корея, Япония ва Хитой компанияларининг замонавий ускуналари ўрнатилган бўлиб, тайёр

маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва ҳозирги кунда ушбу заводда корейлик мутахассислар фаолият юритмоқдалар.

Иккинчи босқичда 4,5 гектар янги қурилган ишлаб чиқариш майдонида 2021 йилдан бошлаб 50 минг км.гача оптик кабелларни ишлаб чиқариш режалаштирилган. 100та янги иш ўринлари яратилади. Ишлаб чиқариш ривожланиб бориши билан янги иш ўринлари сони 300тагача оширилиши режалаштирилган.

Заводнинг янги биноларини қуриш учун Корея Республикасининг "EXIMbank"дан 3,6 миллион АҚШ доллари миқдоридида кредит маблағлари жалб қилинди. Қурилиш 2021 йилнинг биринчи чорагида якунланиши режалаштирилган.

"GOC-UZ" ҚК янги ишлаб чиқариш линияси фойдаланишга топширилгандан сўнг, корхона Ўзбекистон телекоммуникация тармоқлари учун ҳам, экспорт учун ҳам 50 минг км.гача оптик толали алоқа линияларини ишлаб чиқаради.

Биринчи босқичда ишлаб чиқариш ни маҳаллийлаштириш даражаси 32% ни, иккинчи босқичда эса 60% гачани ташкил қилади.

"GOC-UZ" янги ишлаб чиқариш корхонаси нафақат Ўзбекистон телекоммуникация инфратузилмасини авваллари хорижий валютага сотиб олинган маҳсулотлар билан таъминлаш масалаларини ҳал этибгина қолмай, балки 100 нафаргача кишини, шу жумладан, Жиззах шаҳридаги касб-хунар коллежлари битирувчиларини ҳам иш билан таъминлайди.

## 6 ЭКСПОРТ-ИМПОРТ

АССОЦИАЦИЯ ЭКСПОРТЕРОВ СТАЛА  
ПРЕДСТАВИТЕЛЕМ ALIBABA

Ассоциация экспортеров Узбекистана начала сотрудничать с Alibaba, получив некие «специальные ключи» для доступа на сайт. Об этом сообщило УзА.

«Фактически, Alibaba еще не открыла филиал в Узбекистане, потому что их требования высоки. Но теперь мы можем быстро, удобно и недорого разместить здесь нашу продукцию. Для обеих сторон это служит гарантией. В результате наши предприниматели смогут безопасно экспортировать свою продукцию», — сказал председатель ассоциации Мухтор Умаров.

УзА утверждает, что одной из первых экспортных контрактов через платформу на \$3 млн. подписала одна из отечественных кондитерских компаний, однако ее название не сообщается.

## КОРОТКО...

Компания Lenovo представила ноутбук премиальной линейки X1 — ThinkPad X1 Nano. По заявлению производителя, самый легкий ноутбук массой 907 г. открывает новые возможности производительности и функциональности.

X1 Nano — первый ноутбук ThinkPad от Lenovo на платформе Intel Evo с процессором Intel Core 11-го поколения. Устройство предоставляет высокую скорость обработки данных и увеличенное время автономной работы.

\*\*\*

Продажи процессоров для смартфонов выросли на 20%. На первый взгляд, рынок процессоров для смартфонов проигнорировал вызванную пандемией COVID-19 экономическую нестабильность и по итогам второго квартала года отчитался здоровым ростом выручки на 20% «YoY», нарастив ее до 5,8 млрд долл. Однако, вследствие слабого спроса, эксперты из Strategy Analytics отметили снижение поставок чипов на 16%. Сгладить же провал в денежном выражении удалось за счет обладающих более высокой средней отпускной стоимостью процессоров для 5G-смартфонов.

В число ключевых игроков рынка вошли Qualcomm, HiSilicon, Apple, MediaTek и Samsung LSI. Причем, безоговорочное лидерство традиционно оставалось за Qualcomm (32% от общей выручки), а следом разместились HiSilicon (22%) и Apple (19%).

\*\*\*

Компания Eset выявила признаки сотрудничества между киберпреступниками, которые распространяют семейства банковских троянов в Латинской Америке. Из-за большого количества похожих функций эти банковские трояны часто рассматривают как одну группу угроз. На самом деле среди них обнаружено по крайней мере 11 различных семейств вредоносных программ.

Первым общим признаком, выявленным исследователями Eset, была идентичная реализация функционала и методов атак с помощью поддельных всплывающих окон, которые подталкивают жертв предоставить конфиденциальную информацию. Кроме того, эти семейства вредоносных используют сторонние библиотеки, как правило, неизвестные алгоритмы шифрования строк, а также различные методы обфускации (запутывания).

Кроме этого, исследователи Eset обнаружили идентичные цепи распространения, которые использовали различные компоненты и одинаковые методы выполнения.

## ОНЛАЙН-АУКЦИОН

НА ОНЛАЙН-АУКЦИОН ВПЕРВЫЕ ВЫСТАВИЛИ  
УЧАСТКИ С ПОЛЕЗНЫМИ ИСКОПАЕМЫМИ

На онлайн-аукцион впервые начали выставлять участки с полезными ископаемыми, сообщила пресс-служба Госкомгеологии.

«Теперь все иностранные и местные инвесторы могут удаленно увидеть расположение стратегических месторождений и перспективных участков на территории Узбекистана, ознакомиться с основной информацией, принять участие в аукционе на право пользования этими месторождениями», — говорится в сообщении.

Участки недр, выставленные на электронный онлайн-аукцион, включают золото, уран, медь, серебро, вольфрам, олово, марганец и другие полезные ископаемых, находящихся в стране. Лицензии выдают на основе результатов аукционов.



Другие участки

С весны 2019 года на онлайн-аукцион выставляются участки для добычи золота старательским способом. Лицензии выдаются по итогам онлайн-торгов сроком на три года. Для участия в аукционе надо подать заявление на сайте E-ijro Auktsion и внести задаток в 5% от оценочной стоимости земельного участка.

В Узбекистане имеется достаточное количество территорий с золотом для старателей. Так, в частности, известно о территории общей площадью в 590 га, где запасы золота в недрах превышают три тонны. Добыть это золото промышленным способом не представляется возможным, остается только старательский.

Частники это знают и до недавнего времени добывали здесь золото, пусть эта деятельность и являлась нелегальной. В отдельных регионах, таких как Навоийская, Самаркандская и Бухарская области, проблема приобрела системный характер. Добытое частниками золото, само собой, уходит в теневой рынок и нелегально вывозится из страны.

Ожидается, что теперь незаконные старатели выйдут из тени и начнут работать легально.

## ОНЛАЙН УСЛУГИ

UZCARD ГОТОВИТСЯ СНОВА ОТМЕНИТЬ  
КОМИССИЮ С БАНКОВ ЗА ОНЛАЙН-ВКЛАДЫ

Uzcard собирается снова отменить комиссию с банков за онлайн-вклады, следует из сообщения пресс-службы компании.

«ЕОПЦ разрабатывает специальный порядок осуществления операций по услуге „Онлайн управление вкладными счетами“, при соблюдении которого тариф за вышеотмеченную услугу будет приравнен к нулю», — говорится в сообщении.

Делается это для повышения привлекательности дистанционных банковских услуг, а также дополнительного стимулирования привлечения свободных денег населения. Помимо этого, онлайн-вклады помогают меньше контактировать с наличными, что важно при нынешней пандемии.

«Все заинтересованные банки — участники платежной системы Uzcard могут напри-



вить свои предложения по вышеуказанной теме до 15 октября текущего года», — говорится в сообщении.

Почему снова?


Первый раз тарификация была приостановлена с сентября 2018 года по май 2020 года. С 1 мая Uzcard снова начал взимать с банков комиссию в 0,25%.

Ахрор Махмудов, который весной был руководителем Uzcard, объяснял «Газете.uz»,

что компания вернула комиссию, так как заметила, что банки используют послабления в других коммерческих целях:

«К сожалению, в течение двух-трех месяцев, когда мы начали изучать транзакции, выяснилось что большинство банков используют данный вид услуг в других коммерческих целях. А именно для обхода налоговых выплат перед государством и комиссии Uzcard. В связи с этим Uzcard уведомил все банки о нарушениях и сообщил, что с 1 мая услуга онлайн-вкладов снова будет тарифицироваться. Но при этом мораторий на онлайн-конверсию будет сохранен», — говорил он.

Спустя три месяца Uzcard вернулся под контроль государства, после чего поменялись команда и руководство, а компания объявила о новом курсе развития.



**“Давлат тили ҳақида”ги қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаганини, мустақиллик йилларида ўзбек тилини давлат тилига айлантириш йўлида кўп ва ҳў ўринишлар бўлганини халқимиз жуда яхши билади. Шунча йиллар ўтди, ҳўш, ўзбек тили чиндан ҳам давлат ва халқ тили даражасига эриша олдими? Савол ҳамон долзарб, демак...**

# ЎЗБЕК ТИЛИ ЧИНДАН ҲАМ ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ТИЛИ ДАРАЖАСИГА ЭРИША ОЛДИМИ?

2019 йил 21 октябр куни Давлатимиз раҳбари “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармони имзолади. Хусусан, 21 октябр юртимизда “Ўзбек тили байрами куни” деб белгиланди. Вазирлар Маҳкамаси тўзтилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган, янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритадиган Атамалар комиссияси ишлаб турибди.

Бу, албатта, муҳим ҳужжат, давлат тилини ривожлантиришга қаратилган ишларнинг мантқиқий давоми, соҳада яна бир муҳим қадам. Чунки Ўзбекистонда шу вақтгача давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга оширадиган ягона, мустақил ва марказлашган тузилма йўқ эди.

## Бироқ...

Ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

“Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг бир қатор нормалари декларатив ва умумий характерга эга бўлганлиги сабабли қўзланган мақсадларга тўла эришиш имконини бермаяпти. Хусусан, “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг (кейинги ўринларда Қонун) 8-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Бу ҳужжатларнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилинади”, деб белгиланган бўлса-да, айрим соҳалардаги давлат идораларида ҳужжатларни давлат тилида қабул қилиш етарлича йўлга қўйилмаган. Бу эса айрим ҳолларда жисмоний ва юридик шахсларга ноқулайликлар келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, Қонуннинг 10-моддасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади, ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкинлиги

белгиланганлигига қарамасдан, айрим соҳаларда статистика ва молия ҳужжатлари, шартномалар талаб даражасида давлат тилида йўлга қўйилмаган. Хусусан, айрим хизмат кўрсатиш соҳалари (коммунал, интернет хизматлари ва ҳ.к.) томонидан шартнома, далолатнома, оғохлантириш хати каби ҳужжатларни хорижий тилда расмийлаштириш ҳолатларини кўриш мумкин.

Қонуннинг 20-моддасида лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин, деб белгиланган бўлса-да, мазкур қоидага ҳар доим ҳам амал қилинмаяпти. Хусусан, айрим савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳалари томонидан бевосита ёки интернет тармоқлари орқали берилган лавҳалар ва эълонларда давлат тили талабларига риоя қилмаслик ҳолатларини кузатиш мумкин.

Масалан, савдо дўконлари, умумий овқатланиш жойларида ва уларнинг интернет сайтларида хорижий тилда ёзилган “мы открылись”, “распродажа”, “скидка”, “доставка”, “sale” каби сўзларни кўп учратамиз. Ваҳоланки, ўзбек тилида ушбу сўзларнинг “чегирма”, “етказиб бериш”, “арзон нарҳда” ёки “арзонлаштирилган” каби муқобиллари мавжуд.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатларида ўзбек тилида ўриндоши мавжуд бўлган сўзлардан фойдаланмасдан хорижий атамаларни (термин, штат, комиссия ва бошқа шу каби сўзларни) қўллаш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин.

Келтирилган мисоллар ҳамир учидан патир, холос.

## Хорижий тажриба

Озарбайжон. 2002 йил 30 сентябрда қабул қилинган “Озарбайжон Республикасида давлат тили тўғрисида”ги қонунда Озарбайжоннинг ҳар бир фуқароси давлат тилини билиши мажбурилиги, озарбайжон тили мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, илмий ва маданий ҳаётининг барча жабҳаларида давлат

тили сифатида қўлланилиши назарда тутилган (1-модда).

Хизмат кўрсатиш соҳасида, реклама ва эълонлар беришда давлат тили қўлланилади. Хорижий давлат фуқароларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларда эса давлат тили билан бир қаторда бошқа тиллар ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда хорижий тилдаги реклама ёки эълон эгаллаган майдон унинг давлат тилида берилган шаклидан катта бўлмаслиги ва бундай эълонлар уларнинг озарбайжон тилидаги шаклидан сўнг жойлаштирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган (7-модда).

Шунингдек, ушбу қонунда Озарбайжон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг номи ва улардаги ёриқлар, шунингдек, бошқа ёзувлар тегишли хорижий тил билан бирга давлат тилида ҳам бўлиши кераклиги, мамлакат ҳудудида импорт қилинаётган маҳсулотларнинг номи ва улардаги ёриқлар, қўллаш йўриқномаларининг озарбайжон тилидаги таржимаси бўлиши шартлиги келтириб ўтилган.

Бундан ташқари, Қонуннинг 13-моддасида озарбайжон тилининг орфография ва орфоэпия қоидалари тегишли ижро этувчи ҳокимият органи томонидан тасдиқланиши, юридик жисмоний ва мансабдор шахслар мазкур қоидаларга қатъий амал қилишлари лозимлиги, ҳар беш йилда бир марта масъул орган томонидан ёзма тил қоидаларини ўз ичига олувчи лугат (имло лугати) нашр этиб борилиши белгиланган.

Қонуннинг 15-моддасида Озарбайжон Республикасида чоп этиладиган босма нашрлар давлат тилида, лотин ёзувга асосланган озарбайжон алифбосида нашр қилиниши лозимлиги назарда тутилган.

Грузия ҳукумати томонидан 2015 йил 22 июлда қабул қилинган “Давлат тили тўғрисида”ги қонунда давлат хизматчиси давлат тилини билиши шартлиги кўрсатиб ўтилган (6-модда). Ўз навбатида, Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тилида, Абхазия Мухтор Республикасида шунингдек, абхаз тилида тайёрланиши ва эълон

қилиниши белгиланган. Қонунчилик ташаббуси билан Грузия парламентига киритилаётган қонун лойиҳалари ва таклифлар грузин тилида тақдим этилади.

Шунингдек, Қонунда давлат тилини ҳимоя қилиш кафолатларига қаратилган алоҳида боб ажратилган бўлиб, унда давлат тилини ҳимоя қилиши кафолатлари, барча давлат органлари ва маҳаллий идоралари давлат тилининг ривожини ва софлигини учун жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган.

Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича улларга давлат тилида жавоб бериши, грузия қонунларида алоҳида белгиланган ҳоллар бундан мустасно сифатида белгиланган.

Францияда 1994 йилда қабул қилинган Тубон қонунини давлат ташкилотлари томонидан иш юритиш истисносиз француз тилида олиб борилиши, атамаларнинг французча муқобили турганда, бошқа тилдагисини ишлатиш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари, киносаройларда филмлар намойиши ва рекламаларда француз тили қоидаларига тўлиқ риоя қилиши белгиланган.

Қозғистоннинг давлат тили тўғрисидаги қонунчилигига кўра, давлат тили қозоқ тили бўлиб, давлат тили — давлат бошқаруви, қонунлар, суд ишларини юритиш, иш юритиш тили бўлиб, бутун давлат ҳудудида ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида амал қилиши, давлат тилини билиш ҳар бир Қозғистон Республикаси фуқаросининг бурчи ва вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Украина қонунчилигида сиёсатчилар, мансабдор шахслар, ҳарбий хизматчилар, тиббиёт ва таълим ходимлари ўзларининг хизмат вазифаларини давлат тилида олиб бориши кераклиги назарда тутилган. Шунингдек, украин тили оммавий ахборот воситаларида, китоб нашрларида, кинотеатр ва телевидениеда устун бўлиши керак.

## Хулоса ва таклифлар

*Хорижий давлатлар тажрибасини инобатда олган ҳолда давлат тилини такомиллаштириш юзасидан қуйидагилар таклиф қилинади:*

1. Давлат тилини билиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлигини қонун билан мустаҳкамлаш;
2. Давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда атамаларнинг ўзбекча муқобили турганда, бошқа тилдагисини ишлатиш тақиқланишини қатъий белгилаб қўйиш;
3. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатларини давлат тилида юритишнинг шарт қилиб, заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилинишини белгилаш;
4. Хорижий тилда берилган реклама ёки эълонлар уларнинг ўзбек тилидаги шаклидан сўнг жойлаштирилиши лозимлигини белгилаш;
5. Давлат хизматчиларининг давлат тилини билиши шартлигини назарда тутиш, уларнинг давлат тилини билиш даражаси бўйича имтиҳон қилиш амалиётини жорий этиш.

Ишонамизки, мазкур ўзгаришлар бўлган тақдирда давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ошишига, давлат органлари ва ташкилотларида иш юритиш тўлиқ давлат тилида амалга оширилишига олиб келади.

**Равшан НУРМАТОВ,  
Сардорбек АВЕЗОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Хуқуқий сиёсат тадқиқот  
институтини масъул ходимлари**

# БУГУННИНГ ҚИЗЛАРИ НИМА БИЛАН БАНД?

**Б**угун аёллар, хотин-қизлар ҳоким, раҳбар, тадбиркор, бизнесмен, ишбилармон, фермер ва энг асосийси, давлат қурилишида иштирок этаётганлар орасида ўз ўрнига эга, салоҳиятли ва саодатли инсонлардир. Биз ҳам айна дамда юксак саодат – Ватанга хизмат йўлида тиним билмаётган, жамиятимиздаги қизларга ўрнатилган бўлаётган, етакчилик қилаётган бугуннинг Тўмарислари, Барчинлари, Нодиралари, уларнинг ютуқлари ва ана шу натижаларга эришиш йўлида қилган меҳнатлари, ортттирган тажрибалари ҳақида ўзларидан эшитмоқчимиз...

**Нилуфар КОМИЛЖОНОВА,**  
Термиз давлат университети талабаси. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси ўринбосари, Республикадаги энг ёш ҳудудий “Камалак” болалар ташкилоти раиси, Сурхондарё вилоятидаги Кўнгиллилар ҳаракати асосчиси, Осиё талабалар иттифоқининг Ўзбекистондаги вакили, Ўрта Осиё лидерлар академияси аъзоси:

– 2019 йил апрел ойида вилоятдаги илк кўнгиллилар ҳаракатига асос солдик. Қисқа фурсат ичида кўнгиллилар ҳамда кузатувчилар сони 1200 нафарга етди. 20га яқин акциялар ўтказдик. 150га яқин оилага, 100дан ортиқ болажонларга ҳам ёрдам, ҳам меҳр улашдик. Бепул тил ўрганиш курслари ташкиллаштирилди, шифохоналардаги болалар ҳолидан хабар олинди. Университетимизда талабалардан ташкил топган гуруҳ туздик. Ректоримиз бу гоёни кўллаб-қувватлади. Университет биносидан хона олдик ва кичик коворкинг марказига асос солдик. Бора-бора ишларимиз ўз натижасини кўрсатишни бошлади. 2019 йил май ойида бирданга етти давлатдан талабалар анжуманига таклифнома олдим. Тўққизта юборилган резюмедан ҳеч бўлмаганда биттаси ўтишини кутганим. Бу сафарим мен



учун жуда яхши тажриба бўлди. Бешта университет тизими билан таниша олдим. Университет машғулотлари, БМТ моделларида қатнашдим ва албатта, саёҳат қилдим. Покистон, Франция, Польшадан дўстлар ортттирдим, Малайзия давлати вазирининг оиласи билан танишдим... Бир сўз билан айтганда, эслаш учун жуда кўп хотиралар бор. Ўзбекистонга қайтганимдан сўнг Ўрта Осиё ёшлар конгрессида қатнашишга таклиф олган эдим. Бора-бора ёшлар сиёсати, умуман, политология, социология, инсон ҳуқуқи мени энг катта қизиқишимга айланди. Жавоним янги китобларга тўлди. Албатта, инсонни ўзгартиришда, ривожланишида, ўсишида атрофдагилар ҳам жуда катта рол ўйнайди. Шу сабабдан атрофингизда доим ўзингиздан камидан икки марта кучли одамларни йиғиш керак, деб ўйлайман.

**Севара ШУКУРОВА,**  
Муҳандис, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, “Гидропроект” АЖда Назорат ва ижро интизом бўлим бошлиғи:

– Илмий ишни бошлаганимнинг сабаби – мен ишлашни хохламаган эдим. Бугунги кунда кулгили кўринади, лекин ўша пайтда бу мен учун катта муаммо эди. Мен ўйлаган эдим: ишлайдиган одамнинг зиммасига катта масъулият юкланади, ҳамма қилган ишларга жавобгар бўлади ва натижада ёшлик ҳам тугайди. Ёшликнинг жиддийлик билан ўтиб кетиши эса, инсон ҳаётининг энг эсда қоларли дамларини кувноқ ва яхши хотираларсиз қолдиради, деб ўйлаганман. Бу фикрлар билан мен аспирантурага ўқишга кирдим, илмий ишимни бошладим.

Диссертациям ҳақида қисқа гапириб ўтайдиган бўлсам, “Уйғунлашган дамба билан бир томонлама сиқилган оқим қонуниятлари” мавзусининг долзарблиги ва зарурияти бу ҳақонда дарё қирғоқлари ювилшини, шаҳарларни сув босиши, сув тошқинларининг олдини олиш энг муҳим масалалардан бири ҳисоб-



ланади. Бу борада кўпгина мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Канада, Германия, Испания, Россия ва бошқа давлатларда ростилаш иншоотлар конструкцияларининг ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотнинг мақсади уйғунлашган дамбалар конструкцияларини, уйғунлашган дамба билан сиқилган оқимнинг гидравлик параметрларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришдан иборат. Ва охирида айтиб ўтмоқчиман, касбингиз қийин бўлишига қарамай, сиз доимо аёл бўлиб қолишингиз керак!

**Анора БОЗОРОВА,**  
“Ўзбекистон тарихи” телеканали биринчи тоифали муҳаррири, “Мозийдан садо”, “Музейга саёҳат”, “Бир экспонат” кўрсатувлари муаллифи:

– Журналист деган сўзни эшитсангиз, содда қилиб айтганда, кўзингиз олдида телевизорга чиқадиغان ёки газеталарда ишлайдиган инсонлар гавдаланади. Ёшлигимдан журналистикага қизиққаным учун шу йўналишни танладим. Бу соҳада кетишимда турнақтор қийинчиликлар бўлди. Ўқишга кириш учун тайёрлов курсларига қатнашиб юрган кезларим ўқитувчиларимнинг айримлари, кўпчилик тенгқурларим ўқитувчилик соҳасини танлашимни маслаҳат беришар эди. Оддий қишлоқ қизи учун журналистика нонини ейиш қийин бўлишини қайта-қайта ўқитишарди. Аммо қароримни ўзгартирмай фақат шу соҳа томон талпинавердим. Бир йил Ўзбекистон миллий университети журналистика факультетига ўқишга киролмадим. Шунда ҳам тушкунликка тушмай, яна ва яна тайёрландим. 2016 йилда мақсадимга эришдим. Қанча донгдор журналистлар ўқиган бу факультетда таълим олишнинг ўзи фахр эди. Журналистлар орасида “Газетанинг тошини кемирмай туриб, ўткир журналист бўла олмайсан”, деган гап бор. Шу сабабли, дастлабки курсданок “Халқ сўзи” газетасида амалиётчи бўлиб ишлаб бошладим. Бирин-



чи фаолиятим мен учун катта мактаб бўлган. Мақола қанақа ёзилишини ўрганиб олганман. Иккинчи курслигимда эса, аста-секин телевидение эшиклари томон талпиндим. Ўзбекистон телерадиоканалининг “Қорачик” кўрсатувида устозим Нозима Воҳидова ёрдами билан лавҳалар тайёрлаб, кейинчалик бошловчилик қилаётган кезларим, бухороча шева биланиб қоларди. Тинимсиз машқлар ва даққилар туфайли шевани энгдим. Ҳозир “Мозийдан садо”, “Музейга саёҳат”, “Бир экспонат” каби лойиҳаларим кетма-кет эфирга чиқмоқда. Агар сиз сўзларимни ўқиётган бўлсангиз ва сизда журналист бўлиш истаги бўлса, битта нарсага тайёр тулинг! Танқидни кўтара олиш, бошланган ишни ташлаб кетмаслик асосий қуролингиз бўлсагина, мақсадингизга эришасиз.

**Зарнигор ЙЎЛДОШЕВА,**  
Фаргона давлат университети магистранти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фаргона вилоят Кенгаши матбуот котиби, “Қизлар овози” клуби бош координатори:

– 2001 йили “Камалак” энди ташкил топганда биринчи синфни битираётганим. Тантанали равишда бизни аъзоликка қабул қилишган. Ижтимоий фаоллик қон-қонимга болаликдан синган. Нимадир янгилик қилмасам ёки жамият ҳаётидаги, аниққас, ёшлар борасидаги янгиликларга қўшила олмадим, ўзимни ёмон ҳис қиламан. Вилоятимиз ва республикамизда ўтказилган тадбир ҳамда лойиҳаларда кўпроқ иштирок этишга ҳаракат қилман. Шунчаки иштирок эса мен учун эмас. Ҳар бир ютуққа эришиш осонликча бўлмади. Мактаб, лицей, университет энди бўлса, магистратурада сабр-тоқат билан ўқиш, тиришқоқлик билан ҳаракат қилиш, таҳлилий мулоҳаза юритиш, тенгқурларингиз ўйнаб-кулганда, дам олганда уйқунгизни илмий ишга алмашиш ҳам бахт аслида. Чидай олганларгина омадга ва мақсадларига эришади.

“Қизлар овози” клуби координаторлигига номзодим қўйилган кун менга бир имтиҳондай бўлди. Чунки, ўша ердаги мингга яқин қизларни ўз



фикрларимга ишонтира олишим, кўп овоз тўплашим керак эди. Рақибларим ҳам кучли қизлар. Бери мукофот олган, бири халқро танловда ютган эди. Омад мен томонда экан, кўпчилик овози билан сайландим. Ҳар доим ҳам ҳаммамнинг ўйлаганини қилиб, бир натижага эришиб бўлмайди. Улар кутмаганини қилиш кўпроқ самара беради. Жамиятга айнан шундай креатив фикрловчи раҳбар аёл кадрлар, умуман шундай ёшлар керак, деб ўйлайман. Фарзандимни катта қилиб, яна фаол ҳаётга қайтдим, анчагина орта қолганимни сездим ва янада кўпроқ ҳаракат қилишга тушдим. Айни пайтда “Ўзбек тилида бадиий тасвирий воситалар. Муболағанинг ифодаланиши” мавзусида илмий иш қилганман. Муваффақиятга эришиш учун, албатта, қийинчиликлар бўлади.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,  
Гулистон давлат университети талабаси



# ЯХШИНИНГ ЯХШИЛИГИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНМАСА...

мулоҳазакорлиги, оғир-босиқлиги юмшатиб юборарди. Йиллар ўтди. Дилобар қайнонасининг энг севимли келинига айланди. Чунки у қайнона қайнаб турса ҳам бирон марта айнамади. Ҳозир ҳар замонда қайнона йиғинларда мактанади: “Мен келиним билан бирон марта сен-менга бормаган яхши қайнонаман”. Дилобар эса мийиғида кулиб қўя қолади. Чунки у билади, қайнонасининг сен-менга бормаслиғига, аввало унинг оғир-босиқлиги сабаб эканлигини. Агар бошқа келинлардек қайнонасининг ҳар бир гапига гап билан жавоб берганида, аллақачон оиласи гурбатхонага айланиб кетишини, ўртада ўзаро хурматдан зиғирча қолмаслигини ҳис қилган ҳолда раҳматли бувисидан ҳар доим миннатдор бўлишни унутмайди. Унинг яна бир ютуғи қайнонасининг келинининг яхшилигини тан олганида...

**БИРИНЧИ ВОҚЕА:**

Дилобарни бувиси катта қилган. Ота-онаси чет элга ишга кетгач у бувисининг қўлида қолди. Албатта, бувиси уни яхши кўрар, ота-онаси йўқлигини билдиргиси келмас, аммо шу билан бирга неварасининг эркаланиб кетишига ҳам йўл қўймас эди. Буви кексаликка хос донишмандлик билан неварасини тарбиялади. Дилобар бошқа қизларга, синфдошларига қараганда босиқ, мулоҳазали бўлиб вояга етди. Унинг тенгдошлари тежамкорлик, сабртоқат каби тушунчалардан йироқ эди. Аммо Дилобар жуда эрта улғайди, рўзгорни бир ўзи эплай оларди. Бувисининг оғир-босиқлиги, ҳар қандай гап-сўзга мулоҳаза билан жавоб бериши, феъл-аълонинг кенглиги неварасага ҳам ўтди.

Хориждан келган ота-она қизларининг эрта улғайганидан, ақлли-хушли қизлигидан бир суюнса, болаларга хос эркалигининг йўқлигидан, ўзини бегонадек тутишидан хафа бўлишди. Дилобар мактабни битиргач бир йил ўтар-ўтмас совчилари кўпайиб кетди. Ва ниҳоят, биринчи йили ўқишга киролмаган Дилобарни узатишадиган бўлишди. Қиз боланинг ҳар ҳолда яхши жой деб узатилган хонадониди ҳам дастлабки йиллар тушунмовчиликлар бўлиши табиий. Дилобарнинг рўзгорни эплаши, унга ўргатувчининг керак эмаслиғига қарамай қайнонаси ўзининг борлигини билдириб қўйгиси, иш ўргатгиси, қилган ишидан камчилик ахтаргиси келаверарди. Аммо Дилобар аввало қайнонасининг ўргатганларини ўзига оғир олмасди, чунки бу ҳол бувисини эслатарди. Кейин ҳар қандай вазиятни унинг

**ИККИНЧИ ВОҚЕА:**

Қайнона куёви Баҳодирни ёмон кўрарди. Чунки биттаю битта ёлғиз қизи Гулнора онасининг хоҳишига қарши турмушга чиққанди. Яъни, ҳеч кими йўқ етим йигитга. Яна содда, оддий ишчи, кўримсиз бу йигит ўқимашли қизига сира тенг келмайдиган одам эди онанинг назарида. Куёвнинг гурури бор экан, қайнонасининг уйи катта бўлишига қарамай алоҳида ижарага уй олиб чиқиб кетди. Аммо улар онадан хабар олиш учун тез-тез келиб туришарди. Гулнора биринчи фарзандига ҳомиладор бўлгач камқонлиги боис тез-тез касалхонага ётишига тўғри келиб қолди. Шунинг учун Баҳодир ҳам йўл-йўлақай қайнонасиникига кириб ўтар, гоҳида ишга кетар чоғи, гоҳида ишдан қайтишда, баъзан қайнонаси пиширган овқатни хотинига олиб бориш учун бир оёғи Гулноранинг қизлик уйида эди. Қайнона куёвига чидай олмас ҳам, кўрарга кўзи бўлмас ҳам уни меҳмон қилишни бурчим деб биларди. Аммо ичидиги нафратини яширолмасди. Яширолмасдики ҳеч қачон куёви учун янги овқат қилмасди, қолган-қутган овқат, суви қочган нон билан меҳмон қилиб қўяқоларди. Лекин ҳар сафар куёви иштиёқ билан овқатланарди. Идишда овқатни қолдирмай, нон билан артиб еб қўярди ва ҳар сафар “Раҳмат ойиғон, овқат жуда мазали!”, дерди. Баҳодир қайнонасининг чинни қосада эмас, оддий темир товоқда овқат беришини ҳам кўнглига олмасди.

Ана шундай кунларнинг би-

**Баъзида қайноналардан эшитиб қоламиз: “Келиним келган пайтлари яхши эди, гап қайтармасди энди тили чиқиб қолди”. Хўш, айтингчи, бошида гап қайтармаган келинининг нега “тили чиқиб” қолди.**

бизнинг оилаларда мана шу манзара.

Аслида қандай бўлиши керак. Агар биринчи томоннинг яхшилигини иккинчи томон қадрласа, ёмон қилиқларини ташлаб яхши бўлишга ҳаракат қилса, “ахир у яхши инсон, мен уни ўша яхшилиги учун ҳам қадрлашим, қадрига етишим керак” деб ўйласа қанчадан-қанча оилавий келишмовчиликларнинг олди олинарди. Бунинг отини оддийгина муроса мадора дейлади. Айнан ўша муросанинг етишмаслиги оилаларда парокандаликни юзга келтиради.

Баъзида қайноналардан эшитиб қоламиз: “Келиним келган пайтлари яхши эди, гап қайтармасди энди тили чиқиб қолди”. Хўш, айтингчи, бошида гап қайтармаган келинининг нега “тили чиқиб” қолди. Вақтида ўша гап қайтармаган келинининг одобини суиистеъмоал қилишмаганида, хурматига хурмат билан жавоб беришганида у ҳамон гап қайтармайдиган, хушмуомала келинлигича қолмасиди? Ёки бўлмаса ювош, оғир-босиқ, оилам, болам-чақам дейдиган эр бирдан ўзгариб қолди. Кўчадан бери келмай қўйди, ҳатто бошқа аёлга илакишди. Нимага? Чунки вақтида меҳраб меҳр билан жавоб қайтарилмади.

Ақсарият ҳолларда муроса қиладиган, оилда тинчлик бўлишини истайдиган бир томоннинг яхшилиги суиистеъмоал қилинганни боис ҳам уруш-жанжал тўхтамайди. Уруш-жанжални бошлайдиган иккинчи томон агар бир марта ўйлаб кўрса: “Тўхта, нега мен гап қайтармайдиган бошимда кўтармаслигим керак”, “тўхта, нега мен келинларидан хурмат талаб қилмайдиган беозор қайнонаим ўзим биллиб хурматини жойига қўймайман?”

Қаердадир ўқиганим бор: “Севинг, бахтни ва иккинчи яримнигизни қадрланг, буларнинг барчаси оилада туғилади. Оила эса инсонни севишни ўргатувчи мактабдир”.

Барно СУЛТОНОВА

**“Қайнона ювош, безарар, аммо келини уни баттар эзди. Ёки келин меҳнаткаш, ҳеч кимга гап қайтармайди, итоаткор. Аммо қайнонаю қайнэзгачилар, қайнсингиллар уни баттар хўрлайди ёки эр оғир вазмин, бақир-чақирни хушламайдиган инсон, хотин эса уни ювошлигидан фойдаланиб бурнидан ип ўтказиб олади. Ёки хотин бориға шуқр қилиб, уйим жойим деб ўтиради, аммо...”**

## 10 | ҚАЙТАР ДУНЁ

— Мен бир нима айтсам ёзасизми? — деб қолди бир ҳаммасим. — Жиддий бир гап бор, шуни ёзинг, илтимос, менга ўхшаб нотўғри фикрлайдиганлар бўлса, сабоқ бўлар эди.

Мен ҳаммасимнинг сўзларини ўзгартирмай, шундайлигича ёзишни лозим топдим. Хулоса ўзингиздан, азиз ўқувчи!

“Ишим, пулим, обрўйим бор, ошигим олчи эди. Бир кун йўл чеккасида икки қўлида оғир юк халталар билан турган аёлга кўзим тушди. Раҳимини келиб тўхтадим, манзилини айтди, киракаш бўлмаганим учун нархига тортишиб ҳам ўтирмадим. Аслида пулини олиш ниятим ҳам йўқ эди. Аёл орқа ўриндиқдан жой олди, оғир бир хўрсиниб кўйди. “Кенайи, шунча юк билан кўчада қолиб кетибсизми? Бозорликни хўжайинга қилдирсангиз бўлар экан” деб гап қотдим. “Хўжайин бўлганида ўзлари қиларди...” деб яна бир хўрсинди. Ойнадан аёлни кузатдим: юзига буюқдан асар ҳам йўқ, лекин чиройлигина экан... Орадаги нохуш

жимликни бузиш учун ўзимча ҳазиллашгим келди:

— Хафа бўлманг, Аллоҳ ўрнига яхшисини беради!

— Қанақасини?!

— Яхшисини дейман, масалан, менга ўхшаганини!

— Сиз нима деяпсиз ўзи?!

— Ҳа нима, мендек эрингиз бўлса ёмонми? Келишган, ақли, топарман-тутармон, рўзгорбоп йигитман. Мендан яхшисини қаердан ҳам топардингиз?

— Шу ерда тўхтатинг.

— Ие, ҳазиллашдим-ку, ўзингизга олманг.

Аёл апил-тапил машинадан тушди-да, қўлидаги гижимлини кетган пулларни олд ўриндиққа отди, кейин кўзимга қараб “Бировнинг мусибати устидан ҳазил қилманг, ақлингиз бўлса” деб, шарт бурилиб кетди. Газни қаттиқ босиб кўзгалдим, лекин миямда аёлнинг гаплари акс-садо бера бошлади:

“Бировнинг мусибати устидан ҳазил қилманг, ҳазил қилманг, ҳазил қилманг”... “...ақлингиз бўлса, ақлингиз бўлса, ақлингиз бўлса”...

Мен шу қадар такаббур эканманки, унинг бу гапларидан хулоса чиқариш ўрнига ғазаб отига минибман: “Мени ақлсиз деяптими? Менга танбех бердимми?” Ҳеч қанча узоқлашмасимдан тақа-тақ тўхтадим, машинани ортага ҳайдай бошладим. Аёл турган ерда тўхтадим-да, машинадан ҳам тўшмай, ойнадан бақирдим: “Сен сочи узун, ақли калтага ким кўйибди менга ақл беришни? Ақлинг бўлганида кўчада, иссиқда юк кўтариб юрар-мидинг? Аллоҳ сени билли ёлғизла-тиб қўйган экан ўзи. Шўрпешана эринг ҳам сендан қўтулибди, баттар бўл бу кунингдан, яхшиликни билмайдиган аҳмоқ”. Ҳамма аёлга “ярқ” этиб қаради, у хижолатдан қаерга беркинлини билмас эди. Мен нодонга “ҳай юзсиз,



дим. Уларнинг кўзидаги мунгни нима билан аритишни билмай ўйландим. Синглимнинг кўзлари қирғоғини тўлдирган, салга тўкиламан деб турган кўз ёшларини кўриб, кўзимга дунё тор бўлди. Аммо одамзот

ҳамма нарсага кўнариқан. Йиллар ўтиши билан биз ҳам кўникдик. Бу орада синглимга чиққан совчиларнинг ҳаммаси рад жавобини олди. У болаларини ўғай отага ишонмади... Синглим

болалари катта бўлгач, ўзи ишлаган банкка қайтди. Болалари ҳам бири мактабга, бири боғчага

чиқди. Ҳаёт

изига тушгандай эди гўё. Бироқ...

Бир кун кечки пайт синглимни кига борсам, хонтахтанинг устида ҳужжатлар ёйилиб ётган экан.

Синглимнинг ўзгармас одати бор эди: ҳеч қачон уйга иш олиб келмасди. Уйдаги вақтини фақат болалари учун ажратарди. Шунга ҳайрон бўлиб, бу қанақа ҳужжатлар эканлигига қизиқдим. Синглим айрим ташкилотларнинг ҳисобчилигини олиб, уйда ишлаётганини айтди.

“Ўзингни ойлигинг етарли-ку, яна кўшимча иш олиб, ўзингни қийнаб нима қилсанг?” дедим. Синглим банкда ортиқ ишламаётганини айтди. Сабабини эса айтгиси келмади.

Қаттиқ турлиб олганимдан кейин “бўлим бошлиғи билан келишолмадик, бошим очиклиги учун ғалати гаплар қилди, бунга кўтаролмай аризамни ёзиб қўя қолдим”, деди.

Жаҳл билан уйдан чиқиб, банкка отландим, бўлим бошлиғини абжағини чиқаришга тайёр эдим. Лекин машинага ўтиришим билан ўша бева аёлнинг бир пайтлар айтган гапи миямда айлана бошлади: “Бировнинг мусибати устидан ҳазил қилманг, ақлингиз бўлса”...

Мен буларни сизга бекорга айтмаяпман: бева аёлларга ёмон кўз билан қарайдиган ака-укаларимни оғохлантиришни хоҳлайман. Акалар, укалар, ҳаёт шундай қизиқ нарса, бугун нимани хўрласангиз, тақдир чархпалаги бир айланиб, ўзингизнинг бошингизга ҳам шу хўрлик келиб турибди-да! Шунинг учун оғзимиздан чиқаётган сўзларга, қилаётган ишларимиз ва одамларга, айниқса, аёлларга муносабатимизда эҳтиёт бўлайлик! Хусусан, агар у аёл бева бўлса, икки қарра эҳтиёт бўлиб муомала қилишга мажбуримиз.

Чунки бу дунё — қайтар дунё!”

Ойниса ҲОЖИЕВА

**Бир кун кечки пайт синглимни кига борсам, хонтахтанинг устида ҳужжатлар ёйилиб ётган экан. Синглимнинг ўзгармас одати бор эди: ҳеч қачон уйга иш олиб келмасди. Уйдаги вақтини фақат болалари учун ажратарди.**

## МЕҲРИНГИЗ-У САБРИНГИЗНИ ЧЕКИ ЙЎҚ

Нафақадаги устозим  
Мавлуда ЖЎРАЕВАга мактуб

Устоз... сизни қандай эътироф этсам, меҳри уммон устоз дейми, ё қадри баланд, қалби дарё десаммикан ёхуд жонфидо, буюк устоз дейми ёки суюк устоз... Ҳар бири сизга мос, сизга муносиб, ҳар бирида меҳрингиз ва меҳнатингиз қоришиқ, узвий бардавом...

Ёдингиздами, меҳри уммоним, айрим ўртоқларим устимдан қулиб, мени “ғилай” деб камситишганида, дунё кўзимга қоронғу кўришиб, ўзимдан, барчадан қочиб, қаёққа бораётганимни ҳам билмай юғриб кетаётганимда мени ёнингизга қақириб олганингиз, нима гаплигини ҳам сўрамай: “қора кўзим, ёрдаминг керак, мана шу ўртоғингнинг ёзувига ҳеч тушунолмаёяпман, сен энг чиройли ёзасан ва ҳамма-нинг ёзувини яхши ўқий оласан, ёрдам бер”, дея хонангизга олиб борганингиз. Мени мактаб-мактаб синфдошларимнинг мен ҳақимда ёзган иншоларини баланд овозда ўқитганингиз, “вой, бунга қарая, қанча синфдошинг сени ҳурмат қилар экан, сен билан ҳамма фахрланади-я, менинг эса энг яқин ёрдамчимсан”, дея руҳан кўмак берганингиз, ҳаётга, ўзимга, ўзлимизга бўлган ишончимни орттирганингиз...

Қалби дарёй азимим, ёдингиздами, қорним оч, бор пулимга ошхонадан атиги биттагина қовоқ сомса олиб, чиқиб кетаётганимда мени қақириб, ёнингизга ўтқазиб, маслаҳат сўраганингиз, гап орасида, “Кўп овқат олиб қўйибман, бир ўзимга кўплик қилади” дея ёрдамлашимни илтимос қилганингиз, шу баҳонада ҳатто ширинликлар билан сийлаганингиз...

Кейинчалик эшитсам бир мен эмас, менга ўхшаган кўнгли ярим болаларнинг кўпчилигига ёрдам бера экансиз. Мактабимиз буфетчисининг, шу устоз ойлигини болаларга сарфлайди, деган сўзини бот-бот эшитганман. Аммо ҳеч қачон сўзингиз-кўзингизда заррача таъма, шашъа ва ёхуд миннат сезмаганман азиз устозим...

Қадрдоним, ёдингиздами, синфдошларим билан дарсингизда шўхлик қилиб, ҳазиллашмоқчи бўлсам ҳам, сизни қулдирмоқчи бўлиб ўзимизча ҳаживайлар айтиб қолсам ҳам, бизни тушуниб, биз билан чин юракдан хурсанд бўлиб, “Болажонларим, ҳаётингиз доим қувончга тўлиқ бўлсин, илм эса буюклик асоси”, деб дарсини бошларингиз, жон қулоғимиз билан тинглардик. Кимнингдир сўзи оғир ботса ёнингизга чопардик, ҳеч қачон кимнидир ёмонлашимизга йўл қўймасдингиз, доим яхши томонини айтиб, бизни ҳам бир-биримизга дўст-инок бўлишимизга воситачи эдингиз. Меҳрингиз, сабрингизнинг чеки йўқ эди устоз...

Буюк ва суюк устозим, ёдингиздами, бир кун математика дарсида дафтарим йўқлиги, ёзмай ўтиргангим сабаб ўша устоз директор хонасига олиб кетаётганида тўхтатиб, балки дафтар олишга имкони йўқдир, деганингизчи, кўзларимдан дув-дув ёш чиққанини кўриб, мени четга тортиб, болам, қаддинги баланд тут, мен сенга қарз беряпман, мактабни тугатиб, ўқиб катта бўлганимда қайтарсан, деб чўнтагимга ҳатто санаб ҳам ўтирмай пул солиб қўйганингизни эслайсизми? Менга кўрсатган меҳрингиз қарзини қандай узай устоз! Менга берган ишонч, олам-олам қувонч қарзиничи...?

Японларда, устоздан етти қадам ортада юр, токи сояси топталмасин, деган нақл бор экан, бизда эса устоз ота каби улуғланади. Улуғим, меҳрибоним, қадрдоним, азиз устозим, сизга бутун олам қувончини тилайман, поингизга жами гуллар поёндоз бўлсин. Сизга айтар сўзларим бисёр, аммо тилим ожиз. Сизга бошим ерга теккучна таъзим қиламан, менга берган меҳрингиз, билимингиз, ишончингизни маёқ қилиб, порлоқ келажак яратилишига бор куч ва ғайратимни сарфлайман. Сиз айтгандек бўлади бари, дунёларни қучаман ҳали...фақат бўлинг сиз соғу-омон, шоғирдлар ардоғида яшанг беармон, азиз устозжон!

Зўҳра ҲАЛИМОВА,

Вобкент туманидаги

4-умумий ўрта таълим мактабининг

10-синф ўқувчиси

Она тилим, сен борсан, шаксиз,  
Булбул куйин шеърга соламан.  
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,  
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг бу мисралари айни кунларда ўзлигини, ўзбек тилини жондан севувчи, кадрловчи ватандошларимизнинг ҳаёлидан ўтаётган бўлса ажаб эмас.

# ТИЛГА ИХТИЁРСИЗ — ЭЛГА ЭЪТИБОРСИЗ

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир. Ўзбек тили – яъни, туркий тилнинг тарихи ҳам жуда қадим даврларга бориб тақалади. Бу тилда мулоқот қилувчи кўчманчи туркий қабилаларнинг майдони тарихда энг катта ҳудудларни қамраб олганлиги билан аҳамиятли. Шу маънода туркий тил дунё тилларига таъсири жиҳатидан илғор тиллардан ҳисобланади. Туркий тилдаги илк ёзма бадиий манбааларни қадимги Ўрхун-Энасой битикларида ёки “Девони луғотит турк”, “Қутадғу билиг” асарлари билан танишиш жараёнида учра-тамиз. Туркий тилнинг ривожига туркийзабон ижодкорларнинг

қўшган ҳиссаси беқиёс. Хусусан, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Саккокий ва Лутфий каби мутафаккирлар бу борада пешқадам саналадилар. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз” деган ҳикматли сўзларини эсланг. Навоийнинг фикрича, она тилини ҳурмат қилмаган киши нафақат ўзини, балки элини ҳурмат қилмаган бўлиб чиқади. Ўз даврида Навоий туркий тил равнақи учун улкан хизматлар қилди. У туркий тилнинг ифода қўлами форсий тилдан бир неча бор устун эканлигини “Муҳокамат ул-луғатайн” асари орқали исботлаб беради. Француз олими М.Беллин Навоийнинг она тилга бу қадар эътибор қаратишини ватанпарварлик деб атайди. Тарихдан маълумки, ҳар қандай миллатнинг даҳрлари ўз қадриятларини мустаҳкамлаш учун,

аввало, миллий тилга эътибор қаратиб, уни қаттиқ ҳимоя қилган. Масалан, Ф.Рабле “Гаргантюа ва Пантагрюэн” романи билан француз тилининг тараққиётига ҳисса қўшган бўлса, А.Данте “Илохий комедия”, “Халқ тили ҳақида трактат” номли асарлари билан италян тили лотин тилидан афзал эканлигига ишора қилади. У италян адабий тилига асос солиш орқали италян миллатини улуғлайди. Ёки А.Пушкин, Л.Толстой каби даҳолар француз тили таъсиридаги рус миллатини кескин танқид қилади. Тилга эътибор шу миллатнинг шаъни, қадриятлари, урф-одатларини ҳимоя қилишнинг асосий негизидир. Аммо тил ҳар доим ҳам химояга муҳтож бўлиб келган. Сизнингча, бугун биз ўзбек тилини аждодларимиз каби химоя қила оляемизми? 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берил-

ди. Бу мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеага айланди. Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири бўлган эди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқро миқёсда обрўси ошди. “Давлат тили ҳақида”ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Мумтоз адабиётимиз намуналари, саксон


мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бу борада амалга оширилган ишларнинг энг муҳимларидандир. Мухтасар қилиб айтганда, бугун Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб борапти.

**Нўъмон АКБАРОВ,**  
**АКТ вазирлиги Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги ўринбосари**

Халқни халқ қилиб турадиган омиллардан бири бу – унинг ҳеч нарсага қийслаб бўлмайдиган она тилидир. 21 октябр – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун. Халқимиз маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мана шу тарихий санага ҳам бу йил 31 йил тўлди. “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиалида бўлиб ўтган тадбирда нафақат ўзбек тили, шу билан бирга, ўзбек тилшунослиги ҳам ривожланиб бораётгани эътироф этилди.

## ОНА ТИЛДА ИШ ЮРИТИШ ШАРАФЛИ

Тил миллатнинг улкан бойлиги ва баҳо мулкидир. Боиси миллий тилда халқнинг маънавий-маданий ҳаёти, аждодларнинг дунёқараш ва тафаккури, бой илмий ва ижодий мероси муҳассас бўлади. Дунёдаги барча эзгуликлар она аллоси орқали фарзанд онгу шуурига она тилида сингади. Президентимиз таъбири билан айтганда, тил миллатнинг руҳи ҳисобланади. Истиқлол, миллий гурур каби энг юксак тушунчалар ҳам она тили билан чамбарчас боғланган. Шу сабабдан ўзлигини сақлаб қолишга интилган ҳар бир халқ, миллат она тилини асраб-авайлашни ва авлодларга уни ривожлантириш ҳолда етказишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.



ситалари, китоблар, кўчалардаги ёзувларни ўзбек тили қондаларига мувофиқ ёзилишини таъминлашимиз лозим, – дея тадбирда сўз юритди “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Хоразм филиали директори Аҳмаджон Самандаров.

Яна бир маълумот, мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда дунёда мавжуд 7 мингга яқин тилнинг қарийб ярми йўқолиб кетиш арасида турибди. Шу билан бирга, “Оммавий маданият”нинг салбий таъсири натижасида кўпгина тилларнинг софлиги, имкониятлари камаймоқда. Бундай бир даврда миллий тилимизни асраш энг долзарб вазифаларидан бирига айланиши табиий. Зеро, тил миллат –ҳазинаси. Уни асраб-авайлаш, тараққий эттириш ва келажақ авлодларга янада ривожлантириш ҳолда етказиш нафақат, мутахассислар, балки шу тилда сўзлашувчи ҳар бир кишининг бурчидир.

**Нилуфар ЖАББОРОВА,**  
**“Xabar”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири**

## ЎЗБЕК ТИЛИ РИВОЖИДА ЗАМОНАВИЙ АКТНИНГ ЎРНИ

Бу йил ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 31 йил тўлади.

2020 йил 10 апрел санасида “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг 1-моддасига кўра 21 октябр Ўзбек тили байрами кунини эътибор билан белгиланди.



Ўзбек миллий маданиятининг машҳур вакиллари билан маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлодийнинг “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган обйивий ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур” деган сўзлари тилга эътибор беришнинг нақадар зарур ва аҳамиятли эканлигининг яққол далилидир.

Бугунги глобаллашув даврида она тилимизнинг ривожига масаласи яна ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзлигимизни англаш, аждодларга муносиб ворис бўлиш ва чин маънода ўзбек бўлиш учун ҳам аввало она тилимизни чуқур билим ва тушуноқ керак. Бугунги кунда она тилимизни янада чуқур ўрганишимиз учун имкониятлар етарли. Фақат ўқиб, изланиш керак.

Ҳозирги ахборот асрида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, хусусан, интернет тармоғидан фойдаланиб ўзбек тилимизни ўрганиш янада қулайроқ. Турли адабиётлар, луғатлар ва қўлланмалар орқали она тилимиз ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда жамиятимизга турли янги атамалар кириб келмоқда. Ушбу янги сўз

ва атамаларни ўз ўрнида ўзбек тилига таржима қилиш орқали фойдаланувчиларга тушунарли тилда етказиш муҳим масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги UNICON.UZ – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг Атама ва терминологик луғатлар хизмати томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида атамаларнинг турли луғатларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш ишларини амалга ошириш орқали ўзбек тили ва унинг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбек тилини, хусусан, замонавий ахборот технологиялари соҳаси атамаларини ўрганишда ишлаб чиқарилаётган атамаларнинг турли луғатларидан фойдаланиш айнақча самаралидир.

Биз соф она тилимизда қанчалик кўп мулоқот қилсак ва жамиятимизга янги кириб келаётган сўзларни ўзбек тилида талаффуз қилсак, она тилимиз янада ривож топиб бораверади. Шу орқали келажақ авлодга она тилимизни софлигича етказса оламиз.

**Х.ҲАБИБУЛЛАЕВ,**  
**АКТ вазирлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиги**

## 12 | АЛОҚА ОЛАМИДА



## НОБЕЛ МУКОФОТИ

## ФИЗИКА ЙЎНАЛИШИДА МУКОФОТЛАРНИ ОСМОН ЖИСМЛАРИНИ ЎРГАНУВЧИЛАР ҚЎЛГА КИРИТДИ

Астрофизика ва астрономия соҳаларида ютуқларга эришган уч нафар олим: Рожер Пенросе (Оксфорд университети, Буюк Британия) билан Рейнхард Гензел (Макс Планк номидаги физика институти, Германия ва Калифорния университети, АҚШ) "Қора туйнук пайдо бўлиши умумий нисбийлик назариясининг ишончли башорати эканлигини исботлагани учун", Андреа Гез (Калифорния университети, АҚШ) "Бизнинг галактикамиз марказида жуда катта ҳажмли ихчам объектни кашф этгани учун" физика бўйича нобел мукофотига лойиқ кўрилди.

Уч лауреат коинотдаги энг экзотик ҳодисалардан бири – қора туйнук ҳақидаги кашфиётлари учун физика бўйича бу йилги Нобел мукофотини олишди. Рожер Пенросе умумий нисбийлик назарияси қора туйнуқларнинг пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатди.

Рейнхард Гензел ва Андреа Гез кўринмас ва ўта оғир нарса бизнинг галактикамиз марказидаги юлдузлар орбитасини бошқаришини аниқладилар. Қора туйнук эса ҳозирда маълум бўлган ягона тушунтиришдир.



## ИЛОВАЛАР

## GOOGLE ВИРТУАЛ ОФИСИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ — MICROSOFT OFFICEга РАҚОБАТЧИ

Google компанияси G Suite офис иловалари онлайн-пакети ребрендингини ўтказди. Пакетнинг янги номи — Google Workspace, унинг таркибига кирувчи Gmail, Chat, Тақвим ва Хужжатлар янгиланган логотипларга эга бўлиб, ҳаммаси чамбарчас боғланган.

Масалан, фойдаланувчи ҳужжат билан ишлаш давомида янги саҳифа очмасдан ҳам чатлар ойнасини ишга тушириши ёки тўғридан-тўғри тақдимотнинг ўзидан ҳаммасларига жамоавий видеоқўнғироқ орқали боғланиши мумкин. Файллар билан ҳам ишлаш шундай, бошқа сервисларни алоҳида очишга ҳожат йўқ.

Бошқа фойдаланувчилар билан мулоқот учун мўлжалланган карточкалар функциялари ҳам @ белгиси воситасида кенгайтирилади — улардан бир йўла хат юбориш ёки видеочатни ишга тушириш мумкин. Юқоридаги барча қулайликлар яқин ҳафта ва ойлarda Google Workspace виртуал офисидида пайдо бўлади.



## МЭССЕНЖЕРЛАР

## TELEGRAMда ЭНДИ ИЗОҲЛАР ҚОЛДИРИШ МУМКИН

Telegram компанияси каналларда изоҳлар қолдириш функциясини ишга туширди. Бу ҳақда мессенжер асосчиси Павел Дуров ўз телеграм-каналда хабар берди.



"Биз бугундан каналларга изоҳлар қолдириш функциясини қўшдик. Telegramни янгилангандан кейин сиз айрим каналларга, жумладан, ушбу каналга ҳам изоҳ қолдира оласиз", — деди Дуров.

Дуровнинг таъкидлашича, изоҳлар гуруҳли чатларга ухшайди, яъни барча изоҳлар муайян каналга бириктирилади. Изоҳ берувчилар ўз овозли хабарлари ёки GIF-суратларини қолдириши мумкин, каналлар администраторлари эса маълум бир чекловларни белгилаш имкониятига эга.

## ХАВФСИЗЛИК

## АМЕРИКАДА КИБЕРХУЖУМДАН 250та КАСАЛХОНА ЖАБР КЎРДИ

АҚШда Universal Health Services компаниясининг 250та тиббиёт муассасаси компьютер тизимлари киберхужумга учради. Бу ҳақда Associated Press хабар берди.



Киберхужум сентябр ойи охирида қайд этилган. Вирус кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида компания ички компьютер тармоқларини ўчиришга мажбур бўлган. Бироқ, таъкидлашича, киберхужум ташкилотнинг барча шифохоналари ва лабораторияларидаги компьютер тизимларининг ишдан чиқишига олиб келган.

Universal Health Services киберхужум учун ишлатилган зарарли дастур турини аниқлай олмади. Ташкилот тиббиёт муассасалари беморларининг электрон тиббий маълумотларига зарар етмаганига ишонтирмоқда.

## НОУТБУКЛАР

## БИРИНЧИ БУКЛАМА НОУТБУК СОТУВГА ЧИҚДИ

Lenovo компанияси планшет ва ноутбук имкониятларини жамлаган, дунёдаги ilk экрани букланувчи ноутбукка (ThinkPad X1 Fold) буюртма олишни бошлади.

Ушбу ноутбук тақдимоти 2020 йилнинг январ ойида ўтказилган.

Худди Samsung Galaxy Fold смартфонни каби, ThinkPad X1 Fold ҳам букилади, аммо OLED-дисплейи анчагина катта (13,3 дюйм).

Қурилма тўлиқ ёйиб қўйилса, улкан планшетга айланади. Мосламага қўйиб, симсиз клавиатура уланса — ноутбук. Экранини 90 даражага букласангиз — мини-ноутбук, дисплейнинг қуйи қисмида экран клавиатураси пайдо бўлади.

Lenovo тақдим этган планшетбукнинг техник имкониятлари ҳам юқори: 11-авлод Intel процессори, USB-C учун иккита порт, сим-карталар учун слот, 8 ГБ тезкор хотира, 1 Тбгача ички хотира, 50 ватт-соатлик аккумулятор. Шунингдек, 5G-тармоққа уланиш имконияти.

The Verge ёзишича, АҚШда X1 Foldга буюртма бериш — \$2499. Компания буюртмаларни 4-5 ҳафта ичида етказишни бошлашни маълум қилган.

## ТАҚДИМОТ

## APPLE IPHONE 12 ТАҚДИМОТИ САНАСИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Apple компанияси навбатдаги онлайн тақдимоти тақлифномасини журналистларга тарқатди, тадбир 13 октябрда бўлиб ўтади.

Тақдимот тақлифномасига "Hi, Speed" ("Салом, тезлик!") слогани туширилган. Бунда айнан нима назарда тутилгани аниқ эмас, лекин Apple бу гал, лекин iPhone 12 туркумидаги смартфонларини намойиш этса керак.

Ўн иккинчи авлод айфонлар оиласига тўртта модел кириши, уларнинг барча версиялари нархлари ва ҳатто сотувга чиқиш саналаригача интернетда маълум бўлиб улгурган. Булар — стандарт iPhone 12, ихчам iPhone 12 mini, кучли iPhone 12 Pro ҳамда энг катта iPhone 12 Pro Max моделларидир. Аввалроқ улардан ҳар бирининг расмий номлари ва ўлчамларини ошкор этувчи "жонли" сурат ҳам чиққан.

Мазкур смартфонлар орасида iPhone 12 mini модели самарадорлиги нисбатан пастроқ бўлган Apple B14 чипсети асосида, қолган учтаси эса Apple A14 Bionic процессори базасида ишлайди. Яқинда у Geekbench бенчмаркида текшириб кўрилганида, рекорд натижа қайд этган.

## РЕЙТИНГ

## СМАРТФОН БОЗОРИДАГИ ЭНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ КОМПАНИЯЛАР

Visual Capitalist маркетинг тадқиқотлари агентлиги жорий йилнинг иккинчи чораги бўйича энг муваффақиятли смартфонсозлар рейтингини тақдим этди.

Тадқиқотга кўра, биринчи ўринни бирданига иккита смартфонсоз эгаллади: Samsung ҳамда Huawei компаниялари. Visual Capitalist ҳисоботида кўра, улардан ҳар бири дунё смартфон бозорининг 20 фоиз қисмини эгаллаган.

Apple компанияси 14 фоизлик улуш билан иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, учинчи поғонада 10 фоизлик натижа билан Xiaomi турибди.

Кейинги ўринлардан тегишлича Oppo (9 фоиз), Vivo (8 фоиз) ҳамда Lenovo (3 фоиз) компаниялари жой олган. Қолган барча смартфонсозларнинг бу бозордаги умумий улуши 16 фоизга тенг.

Visual Capitalist мутахассислари булардан ташқари яна қуйидагиларга эътибор қаратишган: смартфон бозорининг ярмидан ортгини Хитой брендлари эгаллаб бўлишган. Мобил операцион тизимлар бўйича қараганда эса, бозорнинг 74 фоизини Android, 25 фоизини эса iOS бошқарувли смартфонлар ташкил этган.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

# Қирғизистон: ХАЛҚ ЯНА ЎЗГАРИШЛАРНИ ИСТАМОҚДА

“Демократия оролчаси” деб эътироф этиладиган Қирғизистон 5 октябр куни яна норозилик намоишлари домида қолди. Аксилхукумат чиқишлари 4 октябр куни ўтказилган парламент сайловида асосан иқтидордаги арбобларга тегишли партия вакилларнинг галаба қозонгани, муҳолифат номзодларининг сайлана олмагани сабаб бўлди.

Хуқуқ идоралари вакиллари дастлаб намоишчиларни куч билан тарқатиб юборишга уринди, ammo вазият аллақачон издан чиққан, норозилик акцияси халқ галаёнига айланиб кетган эди. 6 октябр тунда Бишкекдаги норозилик намоиши иштирокчилари ўзанидан тошган дарё каби маъмурий бинолар, хусусан, Оқ уйга ёпирилиб кирди. Кўп ўтмай президент ва парламент фаолият юритган бинода ёнгин чиқди.

Норозилик намоиши қатнашчилари қамоқдаги сиёсатчилар, жумладан, собиқ президент Алмазбек Атамбаевни озод қилди. Кучли босим остида мамлакат бош вазири, парламент раиси ҳамда йирик вилоятлар ҳокимлари истеъфо беришга мажбур бўлди. Марказий сайлов комиссияси эса 4 октябр кунги сайлов натижаларини бекор қилди. “Бутун Қирғизистон” партияси раҳбари Адахан Мадумаров раислигида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Муҳолифат вакилларидан ташкил топган кенгаш мамлакатда муваққат бошқарувни қўлга олган.

– Қирғизистонда рўй бераётган ҳодисалар сиёсатчилар ва ҳукуматнинг ақлга сунмай иш тутгани оқибатидир. Бу ўринда Москва ёки Пекиннинг таъсири ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас”, – дейди Марказий Осиё бўйича



таниқли мутахассис, политолог Аркадий Дубнов. Унга кўра, мамлакат анъанавий тарзда жануб ва шимол вакиллари томонидан идора этиб келинган. Дейлик, давлат тепасига жануб вакили келса, бошқарув парадигмаси ҳам шунга мувофиқ тарзда ўзгаради. Амалдаги президент Сооронбай Жээнбеков жанубий клан вакили саналади. “Жээнбеков мамлакатни атиги уч йилдан бери бошқармоқда. Мамлакат жуда қашшоқлашган, янги сармоялар жалб этиш имконсиз, бунинг устига, расмий Бишкек бугунгача қарзга ботган, асосий қарз берувчи эса Хитойдир. Айниқса, пандемиядан кейин аҳвол янада оғирлашди”, – дейди А.Дубнов.

4 октябр сайловида амалдаги президентнинг уқаси Асилбек Жээнбеков ҳамда коррупцияга доир жиноятларда айбланиб келаётган собиқ бошхона амалдори Раим Матраимов бошчилигидаги икки партия галаба қозонгани хабар қилинган эди. Тахлилчи А.Дубновга кўра, президентнинг ука-

си ҳамда коррупцияда айбланган шахнинг сайловда қатнашиши, боз устига, узил-кесил галаба қозониши муҳолифатнинг галабини келтирган. Қолаверса, агар сайлов натижаси қонуний деб топилганда, парламент жануб клани назоратига ўтар, шу тариқа шимолликлар манфаатига зид вазият юзага келар эди...

А.Дубнов Қирғизистондаги халқ галаёнини яқунига етмаган давлат тўнтариши деб баҳолайди. Негаки, ҳозирча амалдаги президент номинал ҳолатда бўлса-да, давлатни бошқариб турибди. Ҳозирги вазиятда шимол – жануб зиддияти кучайиб кетмаслиги муҳимдир ва кўп нарса ушбу воқеаларга жанубнинг қандай муносабат билдириши – куч ишлатишгача этиб бориш-бормаслигига боғлиқ. Шунингдек, Қирғизистоннинг асосий иттифоқчилари – Россия ва Қозғоғистоннинг реакцияси ҳам вазиятга таъсир кўрсатиши мумкин.

Кузатувчиларга кўра, амалдаги пре-

зидент Сооронбай Жээнбековнинг катта таъсирга эга собиқ президент Алмазбек Атамбаев билан зиддиятга бориши ҳам унинг сиёсий оёрўсига салбий таъсир кўрсатган ва айтиш мумкинки, бугунги галаёнларга замин ҳозирлаган. Гап шундаки, 2019 йилнинг август ойида Қирғизистоннинг Қўйтош манзилида икки кунлик отишмалардан кейин собиқ президент Алмазбек Атамбаев ҳибсга олинган эди.

Мураккаб вазиятда барча масъулият амалдаги президентнинг зиммасига тушади. Қирғизистон президенти Сооронбай Жээнбеков мамлакатда юзага келган сиёсий вазият бўйича мурожаат билан чиқди. У айрим сиёсий кучларни давлат ҳокимиятини ноқонуний равишда эгаллашга уринишда айблади. “Сайлов натижаларини баҳона қилиб кўрсатиб, улар жамоат тартибини бузди. Шаҳарликларнинг тинч ҳаётини бузди. Улар хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларига бўйсунмади, шикорларни қалтақлади ва биноларга зарар етказди”, – дейилади мурожаатда.

Президент куч органларига ўқ узмасликка ва қон тўкилишига йўл қўймастикка буйруқ берганини, вазият ёмонлаштишининг олдини олиш учун керакли чоралар кўрилганини маълум қилди. “Давлатдаги осойишталик, жамиятдаги барқарорлик ҳар қандай депутатлик мандатидан қийматлироқ”, – дея таъкидлади Жээнбеков. Шунингдек, у сиёсий партиялар етакчиларини ўз тарафдорларини тинчлантиришга чақирди.

Айни пайтда юзага келган ҳўжасизликдан фойдаланиб, мамлакатдаги турли сиёсий кучлар, собиқ амалдорлар ҳокимият аравасини ўзи истаган томонга тортишга уринмоқда. Парламент ва ҳукумат фалажланиб қолган ҳозирги мушкул вазиятда президент ташаббусни қўлга ололмаса, мамлакатда бошбошдоқлик, хаос кучайиб кетиши ҳеч гап эмас.

## Илҳом Алиев: “НИЗО ҲОЗИРОҚ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЗАРУР”

Озарбайжон президенти Илҳом Алиев Тоғли Қорабоғ низои ҳозирок ҳал этилиши кераклигини таъкидлади. “Биз “бас қилинлар, биз иш олиб борамиз, музокаралар ўтказамиз, ёрдам берамиз” сингари баёнотларни тинглайдиган аҳволда эмасмиз. Буларни жуда кўп марта эшитдик. Яна 30 йил кутишга вақтимиз йўқ. Низо ҳозирок ҳал этилиши зарур”, – деди Алиев “Ал-Жазира” телеканалига берган интервьюсида.

Президентнинг таъкидлашича, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Минск гуруҳи 28 йил давомида жоҳорога ечим топиш бўйича ҳеч қандай натижага эриша олмади. У Тоғли Қорабоғ низои ҳал бўлмаётганининг асосий сабаби Арманистоннинг позицияси билан боғлиқ эканлигини билдирди. Унинг айтишича, арман кучлари Тоғли Қорабоғ ва унга туташ етита туманининг оккупациясини дарҳол тўхтатиши кераклиги ҳақида БМТ Хавфсизлик Кенгашида қабул қилинган тўртта резолюцияга Арманистон ҳукумати амал қилмай келмоқда.



## СЕРБИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУКУМАТ ЛАВОЗИМЛАРИНИ АЁЛЛАР БИЛАН БЎЛИШМОҚЧИ

Сербия президенти Александар Вучич амалдаги бош вазир Ана Брнабич номзодини Вазирлар маҳкамаси янги раислигига тавсия этди. Президент “Брнабич ўз бурчини яхши ва масъулият билан адо этишига” ишонч билдирди.

Вучич иккита вазирлик ташкил этилишини ҳам маълум қилди: бири – Инсон ҳуқуқлари, Жинсий тенглик ва ижтимоий мулоқот вазирлиги, иккинчиси – Оила, болалар ва демография вазирлиги. Шунингдек, президент ҳукуматдаги лавозимларнинг 50 фоизини аёлларга топширишга чақирган.

## Stop China: ҚИРҚҚА ЯҚИН ДАВЛАТ ХИТОЙГА ХАЙ ҲЎЛЛАДИ

Ўттиз тўққиз давлат вакиллари Хитой раҳбариятига хат йўллаб, Шинжон ҳудудидagi лагерларда ушлаб турилган уйгурларни озод қилишга чақирди. “Европею” хабарига кўра, мурожаатга қўшилганлар асосан Фарб давлатларидир ва улар орасида АҚШ, Австралия, Канада, Литва, Швейцария кабилар бор.

Шунингдек, хатда Хитой раҳбарияти БМТ Инсон ҳуқуқлари олий комиссари бошқармаси вакиллари-нинг Шинжонга киришига “тўлиқ руҳсат бериш”га ундаган, “Бизга этиб келган ишончли ҳисоботларга қараганда, Шинжонда бир миллиондан ортиқ киши “сиёсий таълим” лагерларида мажбуран ушлаб турилди. Худудда инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари тобора ортаётгани ҳақидаги ҳисоботларни кўрдик. Уйғур маданияти, шунингдек, дин ёки эътиқод эркинлиги, эркин ҳаракатлини билан боғлиқ жиддий чекловлар бор”, – дейилади хатда.

Хитой раҳбарияти Фарбнинг бу тахлит айбловларини рад этиб келмоқда. Пекиннинг таъкидлашича, Шинжонда қоншарлар эмас, касбий таълим марказлари бор ва у ерларда одамларга касб-хунар ўргатилади.



Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

## 14 МУТОЛАА

Элизабет  
САЙЛЕНС БОЛЛАРД

"Тэддининг мактублари"  
хикояси Элизабет Сайленс  
Болларда том маънода жуда  
машҳурлик олиб келди. Шундан  
сўнг унинг "Бизнинг штат",  
"Австралия аёллари ҳафталиги",  
"Уй ҳаёти", "Бешафқат ҳаёт",  
"Органчи", "Черков мусақачиси",  
"Муסיқа раҳбари", "Лютеран Аёл"  
каби кўплаб хикоялари турли  
журналларда пайдо бўлди.



Ушбу хикоя 1974 йилда  
ёзилган ва ҳамон ҳар йили турли  
нашриётларда қайта-қайта  
чоп этилади. Мэриан Райт Эделман уни  
1994 йилги Болаларни  
ҳимоя қилиш миллий жамғармасининг  
йиллик ҳисоботини нашр  
этишда шу хикояни танлаб олади.  
Индиана штати конгрессмени  
Дэн Бертон хикояни қайта нашр  
этиш ва ўз ҳудудидаги барча  
ўқитувчиларга тарқатиш учун  
рухсат сўрайди. Шунингдек,  
бу хикоя Жанубий Флорида,  
Шимолий Каролина, Шимолий  
Айова университетлари ва шу  
каби бошқа университетларда  
ўқитиш учун танлаб олинган.

– Бир дугонам узоқ йиллар олдин  
турғуқ таътилидаги ўқитувчи  
ўрнига дарс берган, – дея хикоя  
ёзилганда туртки бўлган воқеани  
эслади муаллим. – Унинг айтиб  
беришича, у мактабдаги  
Рождество байрамига борган  
ва бир боланинг қилган  
совғасидан жуда таъсирланган:  
бир неча тошчалари тушиб  
қолган биллазуқ ва ярми бўш  
атир шиласи.

У бундан айтиб берар экан мен  
ҳам тўртинчи синфимизда  
ўқитувчига совға беришни  
жуда хоҳлаганимни эсладим.  
Аммо ота-онам шундай деганди:  
"Барчага совға беришга бизнинг  
имконимиз йўқ, Сен қоғозга  
исмини ёз ва бу ажойиб совға  
бўлади. Ўқитувчи ҳаммадан  
ҳадя кутмайди". Мен устозим  
Клиннард хонимни жуда яхши  
кўрдим ва унга совға беришни  
истардим. Ушанда йилгадим,  
шунда буюмда зўр гоя пайдо  
бўлди. Биз пойабзал қутисини  
олиб орқа довлига ўтдик ва  
пекан (ёнгўқдошлар оиласига  
мансуб дархат) ёнгўқларини  
тердик. Бу "совға"дан  
озгина хафа бўлдим, аммо  
буюм бундай чиройли ёнгўқлар  
ҳаммин ҳам хурсанд қилишни  
айтди.

Албатта, менинг совғамни  
очганида, барча синфдошларим  
қулишди, калака қилишди,  
ҳатто бир қиз шундай деди:  
"Бу қанақа совға бўлди? Ҳатто  
пиёзи ҳам йўқ!"

Клиннард хоним эса қувончдан  
қарсақ чалиб юборди ва  
жилмайганча шундай деди:  
"О, катта раҳмат, Элизабет.  
Уйимга кўп меҳмон келади,  
уларга тайёрлайдиган  
кексаларим учун шундай  
ёнгўқлар жудаям зарур  
эди менга! Бу ҳақда  
ўйлаганинг учун раҳмат!"  
У мени бағрига босди.

Ушбу воқеа ҳамда дугонанинг  
хикояси Тэдди Стоддард  
ҳақидаги хикоямга сабаб бўлди.

Хар ҳолда ўқитувчи  
бўлганлиги учун бу  
аёлга Томпсон хоним  
дея муржаат қилишарди. Илк  
сабоқ кунда ўзига бирикти-  
рилган 5-синф ўқувчилари  
қаршида турар экан, улармай-  
нетмай уларни алдаб тургани-  
ни ўзи ҳам биларди. У ҳам  
кўпчилик ўқитувчилар қатори  
ўз ўқувчиларига обдон разам  
солди ва уларнинг ҳаммасини  
бирдек яхши кўришини айтди.  
Аслида бунинг илоҳи йўқ-ку.  
Айниқса, олд қаторда, пар-  
танинг остига кириб кетгудек  
бўлиб ўтирган Тэдди Стоддард  
исми болакайга нисбатан  
"яхши кўраман" деган сўзларни  
айтишининг ўзи айна ёлгон  
бўларди. Томпсон хоним уни  
бир қарашда таниди. Тўғриси,  
у Тэддини ўтган йилдан бери  
кузатар, сочлари тороқ кўрма-  
ган бу болакайнинг ўртоқлари-  
га қўшилмаётганини, кийимла-  
ри кийи, яхши дазмолланган  
бир аҳволда эканини, хуллас,  
унинг алоҳида парваришига  
муножўлигини сезганди. Бундан  
ташқари, Тэдди ҳаммиша  
ғамгин кайфиятда юрарди.

Дарвоқе, Томпсон хоним  
мактабда ўқувчилар ҳақидаги  
маълумотларни ўрганиб чиқиш-  
га ҳам масъул эди. Бафуржа  
кўриб чиқиш мақсадида у  
Тэддига тегишли маълумотлар-  
ни энг охирига олиб кўйди...

Ниҳоят, қўлида ўша ўқувчи-  
нинг таржимани ҳоли. Томпсон  
хонимнинг юзида ажабланиш  
ифодаси зоҳир бўлди. Чунки

биринчи синфдаги ўқитувчиси:  
"Тэдди ниҳоятда зукко, ораста,  
фаросатли ва қувнок ўқувчи.  
Кўпса юзлари ёришиб кетади.  
Чиройли табассум билан  
гапириши бошқаларнинг  
кайфиятига ижобий таъсир  
қўрсатади. Кунт билан сабоқ  
олиб, уй вазибаларини ўз  
вақтида бажаради. У жуда  
одобли бола", – деб ёзганди.  
Иккинчи синфда таълим берган  
муаллими эса қўйидаги сўзлар-  
ни битган: "Тэдди ажойиб  
ўқувчи, синфдошлари уни  
яхши кўришади. Аммо у салга  
асабийлашиб кетади. Бу онаси-  
нинг оғир хасталиги сабабли  
бўлса керак. Уйдаги яшаш  
учин кураш муҳити кўнглини  
зэяпти, шекилли. Оилавий  
аҳволи яхши эмас..."  
Учинчи синф устозининг  
фикрлари қуйидагича:  
"Онасининг ўлими Тэддига  
жуда қаттиқ таъсир қилди.  
Шунга қарамай у ҳаракат  
қилапти, бироқ отаси унга  
етарлича эътибор қаратмайпти.  
Зудлик билан ўзларини  
ўнглаш чорасини кўришмаса,  
бундай турмуш тарзи  
Тэддининг камолотига  
салбий таъсир кўрсатиши  
мумкин".  
Ва ниҳоят, тўртинчи  
синф устози: "Тэдди  
одамови бўлиб қолган.  
Ўқишга қизиқмайди.  
Дўстлари санокли ва  
ўзига ўхшаган қолақ  
болалар. У баъзида  
дарсларда ухлаб ҳам  
қолади", – каби фикрлари-  
ни баён этишганди.

Энди Томпсон хонимга  
ҳаммаси аён. Шу вақтга қадар  
унинг ўзи ҳам Тэддига етарли-

ТЭДДИНИНГ  
мактублари

ча эътибор бермагани, бепар-  
во бўлгани учун ич-ичидан  
уялиб кетди. Янги йил арафаси-  
да Тэддидан бошқа барча  
ўқувчилар унга чиройли  
ялтироқ қоғозлар билан  
қадокланган, рангин тасмалар  
билан бежирим бойланган  
байрам совғаларини беришга-  
нида Томпсон хоним ўзини  
янада ёмон кўриб кетди. Йўқ,  
аслида Тэдди ҳам совға келтир-  
ганди... Фақат унинг туҳфаси  
озиқ-овқат дўконининг гижим-  
ланган сарғиш қоғоз халтасига  
солиниб, беўхшов ўралган эди...  
Тэддининг бу қадар ғариб  
аҳволдаги ҳадяси синфдошлари-  
нинг навбатдаги кулгисига  
сабаб бўлди. Айнан шу манзара  
Томпсон хонимни хушёр  
тортирди. Негаки, ўқувчилар  
севимли устозларининг теграси-  
да жам бўлишиб, табиийки,  
унинг совғаларни қай йўсин  
очиб, нечоғлик хурсанд бўли-  
шини кўрмоқ истагида эдилар.


Томпсон хоним навбатига  
билан Тэддининг совғасини  
ҳам очиб кўришга жазм этди.  
Униқиб кетган қоғоз халтада  
эса сохта бриллиант тошчала-  
ридан бир-иккитаси тушиб  
қолган эски қумуш биллазуқ  
ва кўримсиз шиша идишда  
ярмининг ярмича қолган атир  
бор эди. Бундан кўрган ўқувчи-  
ларини кулгидан тўхтата  
олишмасди. Шу тобда Томпсон  
хоним ўзини кўлга олиб,  
Тэддининг туҳфасини мақтай  
кетди. Биллазуқнинг гоятда  
дид билан ишланганини айтиб,  
қўлига тақиб олди. Атирдан ҳам  
биллагига бир неча томчи  
суртди ва қўларини бошқа  
ўқувчиларга узатиб, сўради:  
– Қаранг, ифори қандай  
хушбўй, а? – деди.

Ўқувчилар эса, кимдир  
итоат, ким эса хушомад маъно-  
сиз чуғурлашиб қолишди:  
– Ростанам хушбўй экан!..  
– Оҳ-оҳ, бетакрор ифори!  
– Жуда-а-а қиммат бўлса  
керак?..

Дарс тугагач, болалар  
одатдагидек шошганларича  
ташқарига югуришди. Тэдди эса  
секингина ўқитувчисининг  
столига яқин бориб:  
– Устоз, бугун сиздан  
онамининг ҳиди келяпти!  
Биллазуқ ҳам жуда ярашди.  
Совғам сизга ёққанидан  
хурсандман!.. – деди ва беғам  
қўзичоқдек ўйнаб-сақраб,  
синфдондан чиқиб кетди.

Бу воқеадан сўнг Томпсон  
хоним тиз чўккан қўйи бир  
соатча кўз ёш қилди ва билиб-  
билмай қилган гуноҳлари учун  
Тангридан мағфират сўради.

Эртаси куни ўқувчилар



(Хикоя)

Томпсон хоним қиёфасидаги  
бутунлай бошқа бир устозни  
кўриб туришарди. Энди у  
шунчаки ўқиш, ёзиш ва ҳисоб-  
лашни ўргатиб қолмасдан,  
болаларга бир умр ҳамроҳ  
бўладиган билимлардан  
чинакамга, астойдил сабоқ  
бери бошлади. Томпсон хоним,  
айниқса, Тэдди билан алоҳида  
шуғулланар ва унинг маҳзун  
қалби тобора жонлиб  
бораётганини ҳис этарди.  
Болакай устозидан рағбат  
олгани сайин дарсларни тез ва  
соз ўзлаштириб, ўқув йили  
яқунда синфнинг энг аълочи  
ўқувчиларидан бирига айланди.  
Қарангки, Томпсон хонимнинг,  
ҳамма болаларни бирдек яхши  
кўраман, деган сўзларига яна  
андак ёлгон аралашди: энди у  
Тэддини бошқалардан кўпроқ  
яхши кўрарди.

Орадан бир йил ўтиб  
Томпсон хоним эшиги тагидан  
бир хат топиб олди. Хат Тэдди-  
дан бўлиб, унда шундай сўзлар  
ёзилганди: "Сиз ҳаётимдаги энг  
яхши муаллимамансиз! Хурмат  
билан Тэдди Стоддард".

Опти йил ўтгач Тэддидан  
яна бир хат келди. У ўрта  
мактабни синфдаги аълочи  
болаларнинг учинчиси бўлиб  
битиргани ва Томсон хоним  
ҳаётидаги энг яхши ўқитувчиси  
эканлигини ёзганди.

Хоним Тэддининг навбатда-  
ги мактубини тўрт йилдан сўнг  
олди. Унда баъзида жуда  
қийналган бўлса-да, ўқишини  
давом эттиргани ва тез орада  
коллекжени битириши маълум  
қилинган, мактуб сўнггида эса  
қуйидаги жумлалар бор эди:  
"Ишонтириб айтманки, сиз  
ҳамон ҳаётимдаги энг яхши ва  
севимли устозимсиз! Эҳтиром  
ила Тэдди Стоддард".

Яна тўрт йил ўтиб ёзилган  
мактубдан Томпсон хоним  
шоғирдининг магистр даража-  
сини қўлга киритгани ва илм

ўрганишда давом этаётганини  
билиб олди. Бу хатда ҳам Тэдди  
учун у ҳамон ҳаётдаги энг  
яхши муаллима эканлиги  
таъкидланган эди. Фақат бу гал  
мактуб сўнггидаги исми шариф  
бироз узунроқ битилганди:  
"Хурмат билан Теодор Ф.  
Стоддард, тиббиёт фанлари  
доктори".

Тэддининг мактублар тарихи  
шу билан якун топгани йўқ. Ўша  
йили, баҳорда Томпсон хонимга  
яна битта хат келди:

"Устоз, мен ажойиб бир қиз  
билан танишдим. Яқинда  
тўйимиз бўлади. Бир неча йил  
олдин отам ҳам вафот этди.  
Қарангки, Томпсон хонимнинг,  
ҳамма болаларни бирдек яхши  
кўраман, деган сўзларига яна  
андак ёлгон аралашди: энди у  
Тэддини бошқалардан кўпроқ  
яхши кўрарди".

Орадан бир йил ўтиб  
Томпсон хоним бу таклифга  
бажонидил рози бўлиб ва  
тўйга борди. Бундан ташқари,  
тасаввур қиялпсизми, у қўлига  
ўша – сунъий бриллиантлар  
қадалган биллазуқни тақиб,  
ўша – Тэддининг онаси сўнгги  
бор ишлатган атирдан фойда-  
ланиб, ороланган эди.

Улар бир-бирларини кучиб,  
узоқ туриб қолдилар. Шунда  
Доктор Стоддард Томпсон  
хонимнинг қулоғига шивирла-  
ди: "Менга ишонганингиз учун  
сизга катта раҳмат. Ҳаётда ўз  
ўрним борлигини англаганингиз  
ва тўғри йўл кўрсатганингиз  
учун сиздан бир умр  
миннатдорман".


Томпсон хоним кўзларида  
ёш билан деди: "Тэдди, аслида  
бундай эмас. Аслида сен менга  
бу ҳаётда борлигимни ҳис  
этишга, ўзимни англашга  
ёрдам бергансан. Негаки, то  
сени учратмагунимча, болалар-  
ни қандай ўқитишни яхши  
билмас эдим".

Рус тилидан  
Қувондик СИДДИҚ  
таржимаси

# «ЯККАБОҒДА» 5,82 млрд. СЎМЛИК ЛОЙИҲА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Давлат бошқарувиغا ахборот ти-зимларини жорий этиш мақса-дида эса тумanning юқори тоғли ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига давлат хизматларидан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратилиб, "Ўзбекистон почтаси" АЖга қарашли почта алоқаси бўлимларида давлат хизматларини кўрсатиш 2021 йилнинг март ойи якунига қадар йўлга қўйилади. Натижада узоқ ва етиш қийин ҳудудда яшовчи аҳоли ўзига яқин почта алоқаси бўлимининг тегишли давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, Давлат хизматлари агентлиги марказларидан юклама олишнинг олди олиниб, ҳар томонлама вақт ҳам тежалди. Бунинг учун туман "ФХД" ягона электрон архиви" ахборот тизими жорий йилнинг ноябр ойи якунига қадар модернизация қилинади.

Туман ФХД бўлимларидаги архив ҳужжатлар ҳам рақамлаштирилиб, оson ва тез ишлов бериш қулайлаштирилади. Ҳужжатлар хавфсизлигини таъминлаш ва йўқолиб кетишининг олдини олиш таъминланади. Туман молия ва бюджетдан ташқари пенсия жағмармаси бўлимларида йил якунига қадар "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими жорий этилади.



**Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига керакли мутахассисларни тайёрлаш бугуннинг устувор вазифаларидан бири эканини инобатга олиб, туманда Рақамли технологияларга ўқитишнинг ҳудудий ўқув маркази ташкил этилади. Ва ушбу маскан бешта ташаббус доирасида 16-30 ёшгача бўлган ёшларни дастурлаш, компьютер дизайни, робототехника каби йўналишларда ўқитиш ҳамда уларни замонавий касб-хунарлар билан таъминлаш мақсадини кўзлайди.**

кабонинг 18 км. узунликдаги "Ўнқирғоқ" каналда Smart water ("Ақлли сув") пилот лойиҳаси ҳам амалга оширилиб, каналдан ўтадиган сувни аниқ ҳисоб-китоблар асосида реал вақт тартибда мониторинг қилиш, ортиқча исрофгарликларга йўл қўймастик имконияти яратилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига керакли мутахассисларни тайёрлаш бугуннинг устувор вазифаларидан бири эканини инобатга олиб, туманда Рақамли технологияларга ўқитишнинг ҳудудий ўқув маркази ташкил этилади. Ва ушбу маскан бешта ташаббус доирасида 16-30 ёшгача бўлган ёшларни дастурлаш, компьютер дизайни, робототехника каби йўналишларда ўқитиш ҳамда уларни замонавий касб-хунарлар билан таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Бу аҳолига ўз томорқаларида етиштираётган маҳсулотларини умумлаштириш, бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни олдиндан режалаштириш имконини беради.

Фермер хўжалиklarининг ягона автоматлаштирилган ҳисобини яратиш ва ушбу янги тизимнинг жорий этилиши сарфланган маблағларни таҳлил қилиш эвазига бажариладиган ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда сарфланаётган маблағларни камайтириш мақсадида фаолиятга замонавий инновацион ечимларни кириштиришга туртки беради. Туманда қишлоқ ва сув хўжалиги техникаларига GPS тизимини жорий этиш орқали эса "Оқсарой" кластерида ер ва экинга ишлов берувчи ҳамда сув хўжалиги объектлари (каналлар)да тозалаш ишларини амалга оширадиган механизациялашган техникалар ҳаракатини онлайн кузатиш ва назорат қилиш мумкин бўлади. Як-

Шунингдек, у аутсорсинг хизматларини кўрсатиш буйича хорижий ўқув дастурларини маҳаллийлаштиради, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ахборот технологиялари буйича малакаларини ошириш учун курслар ҳам ташкил этилади. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассисларни тайёрлашни янада жадаллаштириш учун Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали ўқув марказига ушбу йўналишга оид фан профессор-ўқитувчиларини бериштириш имконияти яратилади.

Лойиҳаларнинг умумий қиймати 5,82 млрд. сўмини ташкил этиб, уларни амалга ошириш учун Қашқадарё вилояти ҳокими З.Мирзаев, АКТ вазири ўринбосари Б.Олматов, Яккабоғ тумани ҳокими Л.Абдуллаев, "Ўзбектелеком" АҚ Қашқадарё филиали директори Ж.Бозоровлар масъул этиб тайинланди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ, "Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири**



## Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади

**Профессорлар:** Мобил алоқа технологиялари кафедраси - 1.

**Доцентлар:** Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти кафедраси - 1, Ахборот технологиялари кафедраси - 1, Олий математика кафедраси - 1.

**Катта ўқитувчилар:** Тизимли ва амалий дастурлаш кафедраси - 1, АКТ соҳасида иқтисодиёт кафедраси - 1, Электроника ва радиотехника кафедраси - 1, Ахборот технологиялари кафедраси - 1.

**Ассистентлар:** Телекоммуникация инжиниринги кафедраси - 1, Ахборот технологиялари кафедраси - 1, Аудиовизуал технологиялар кафедраси - 1, Информатика асослари кафедраси - 1, Чет тиллари кафедраси - 1, Мультимедия технологиялари кафедраси - 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти кафедраси - 1.

*Аризалар чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатишган лавозимлар буйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.*

**Манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: 71-238-64-06.**

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 466-ф-сонли фармойишига асосан, "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳисобрақамига 2020 йил 23 сентябрда "O ZIMPEKSALOOQA" МЧК томонидан 2 000,0 минг сўм, 29 сентябрда Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 10 000,0 минг сўм, 30 сентябрда "Radioaloqa radioeshittirish va televideniye markazi" DUK томонидан 20 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2020 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

| Ўтганларнинг охириати обод бўлсин   |
|---|
| "Ўзбектелеком" АҚ Қорақалпоғистон филиали маъмурияти ва меҳнат аҳли филиалнинг меҳнатни кўриқлаш ва хавфсизлик техникаси буйича I даражали муҳандиси<br><b>Замира СОДИҚОВА</b> нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради. |
| "Ўзбектелеком" АҚ Фарғона филиали жамоаси Риштон ТБ ходими Каминахон Эгамбердиевага ақаси<br><b>Абдулазиз АҲМАДЖОНОВ</b> нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.   |
| "Ўзбектелеком" АҚ Фарғона филиали жамоаси Риштон ТБ ходими Махсудхон Эргашевага волидаи муҳтарамаси<br><b>Донахон ая ЭРГАШЕВ</b> анинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.  |
| "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси Тошкент вилояти филиали директори Акмал Зокировка отаси<br><b>Аҳмадjon ЗОКИРОВ</b> нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.  |
| "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси Фарғона филиали директори Алижон Аброҳимовга онаси<br><b>РУЗВОНБИ ОРТИҚОВ</b> анинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.  |
| "Ўзбектелеком" АҚ Наманган филиали жамоаси алоқа соҳаси меҳнат фахрийси<br><b>Обиджон КЕЛДИБОВ</b> нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.  |



# ВИРТУАЛ ҲАЁТИНГИЗ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ 7 УСУЛИ

Интернетдан фойдаланганда махфийлик борасида қайғуриш кераклигини мутахассислар доим таъкидлашади. Биз “махфий” ва “хавфсиз” дер эканмиз, нисбий хавфсизликни назарда тутамиз. Аслида эса, ҳеч бир тизим шахсий турмуш махфийлигини юз фоиз ҳимоялашни кафолатлай олмайди. Аммо барибир айрим чораларни кўриб, махфийликни қисман таъминлаш мумкин, қуйида шуни қонуний тарзда, бепул амалга ошириш йўлларини ўргатамиз.

### 1. Почтангизда икки бошқичли авторизацияни жорий этинг.

Почта – виртуал ҳаётингизнинг барча эшикларига кириш калитидир. Агар кимдир уни қўлга кирита олса, барча жойлардаги паролларингизни ўзгартира олади – ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларингиздан тортиб то банкдаги ҳисобингизгача!

Ўз шахсий маълумотларингизнинг ҳимоясини сезиларли даражада оширишнинг энг оддий усули – икки бошқичли авторизацияни жорий этишдир. Одатда, бунда ҳар гал аккаунтга биринчи киришга уринишда ўзингиз аввалдан белгилаб қўйган телефон рақамингизга SMS тарзда махсус код юборилади, уни тегишли майдончага киритишингиз лозим. Шу тариқа, бу усул почтангизни бузиб кириш хавфини етарлича камайтиради.

### 2. Каттиқ дискдаги маълумотларни шифрланг.

Windows ҳамда MacOS тизимларининг ўзида каттиқ дискни шифрлаш функцияси бор. Сиз уни фақат фаоллаштирсангиз бас.

### 3. Телефонни блоқдан чиқаришга парол ўрнатинг.

Тўғри, бармоқ изи бўйича идентификация қилиш яхшироқ, аммо унинг ўзи етарли эмас. Унинг нозик томони шундаки, агарда жиноятчилар сизнинг бармоқ изингизни қўлга киришиб, унинг нуҳасини ясай олсалар, кейин уни ўзгартириш имкони йўқ.

Одатда паролни киритиш учун қилинган ўн та уринишдан кейин смартфон буткул блокланади. Бордию паролингиз оддий тўртта рақамдан иборат (масалан, 1234, 9999, 1122 ёки туғилган йилингиз) бўлса, уни мураккаброғига алмаштиришнингиз маъқул.

### 4. Турлича паролларни ишлатинг.

Парол ишончли эмас. Демак, турли аккаунтлар учун битта паролнинг ўзини ишлатмаганингиз маъқул. Қўллаб логин-паролларни эслаб қийналиб юрмаслик учун эса, пароллар менежерларидан фойдаланинг.

### 5. Инкогнито ҳам тўлиқ махфийлигини таъминлай олмайди.

Chrome ёки Firefox браузерларида инкогнито орқали ишлаганингизда ҳам, барибир сизнинг интернетдаги фаолиятингизни қуйидагилар кузата олишади:

- интернет-провайдер;
- сиз тармоққа кираётган жойдаги тизим маъмури;
- сиз фойдаланаётган браузерни ишлаб чиққан компания – Google ёки бошқаси.

Айтиш керакки, Internet Explorer, Safari, Opera ва бошқа браузерлар ҳам тўлиқ хавфсизликни кафолатлай олмайди. Демак, бирор тизим юз фоиз махфийликка кафолат бера олмас экан, интернетда имкон қадар аноним кезиш учун кейинги тавсиямизга амал қилинг.

### 6. Тог браузеридан фойдаланинг.

Тог номи кенгайтирилганда The Onion Router – “Пиёз-йўналтирувчи” бўлиб, у интернет-фаолликни яшириш учун ўзига хос йўналтириш (маршрутизация)дан фойдаланади.

Мазкур бепул браузерни ишлатиш жудаям осон. Уни ўрнатгач, check.torproject.org манзилига кириб, ҳаммаси тўғри ишляётганини тасдиқланг. Энди интернетда бемалол сайр қилишингиз мумкин, буни бегоналар кузатиши анча қийин бўлади.

### 7. Махфий қидирувдан фойдаланинг.

Бордию Тог браузерини ишлатиш сизга ноқулайлик туғдиrsa, қидирув сўровларингизни кузатмайдиган DuckDuckGo қидирув тизимидан фойдаланинг.



## ҲИКМАТ

“Умр бу – шунчалик тугилиш ҳро ҳаётлар билан яшаш ва ўлиш дегани эмас. Умр бу – Англашди. Англадингми, ёниб яша, тугаб ўтна! Қоч бўлмас, сенинг биганинг бошқаларни ўйга толдирарг”.  
Мавлоно Румий



## САЛОМАТЛИК

### Кардиолог:

### “ЮРАК БАҚУВВАТ БЎЛИШИ УЧУН ЮГУРИНГ”

Германиядаги Sana Hospital Dusseldorf-Benrath бош шифокори, кардиолог Торстен Диллинг айтишича, юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ аксарият ноҳус оқибатларнинг олдини олиш мумкин. Қандай қилиб? Бунга мутахассисдан интервью олган Focus.de аниқлик киритди.

Кардиологнинг айтишича, юракнинг ишемик касаллини, юрак етишмовчилиги ва аритмия (юрак уришининг бузилиши) – ўзаро чамбарчас боғлиқ, шунинг учун ҳам уларга қарши деярли бир хил тавсиялар берилади. “Соғлом овқатланиб, жисмоний фаолликни тўхтатмаслик керак. Жисмоний машқларга ҳафтасига 150-180 дақиқа ажратсангиз кифоя. Кўпроқ пиёда юриш, лифддан эмас, зиналардан фойдаланган маъқул – оддий, аммо самараси жуда зўр. Юрак ҳамда қон томирларини муҳофазалашда холестерин миқдори ва қон босимини доимо назорат қилиб туриш ҳам жуда муҳим. Тамаки чекишни эса бутунлай унутинг”, – деди кардиолог.

Торстен Диллинг ўзи, об-ҳаво қандай бўлишдан қатъи назар, ҳафтасига мунтазам уч марта югуришга чиқади ва камида бир соат тинмай чопади. “Бошқа ҳеч қандай машқлар керакмас, югуришининг ўзи менга етади. Албатта, кунлик овқатланиш тартибини сақлаш: иложи борича гўштни камайтириб, балиқ ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш пайида бўламан”, – деди доктор.

Немис кардиологининг фикрича, юрак касалликларининг бош сабаби – сиқилиш. Стрессга олиб келувчи сабаблар эса кам ухлаш ёки яхши ухламаслик, чекиш, кўп миқдорда ширинликлар ёки алкогол истеъмол қилишдир, дейди Торстен Дилл.

## Зандаллар

- Доктор, мени даволаи! Мен яшагим келяпти!
- Пулингиз борми?
- Йўқ.
- Бунақа ҳаётни нима кераги бор?!

Жуда рашкчи хотин эри ўзига котиба қидираётганини билаб қолибди!

Ёш ва чиройлисини олманг! Иложи борича хунук, қари ва семиз котиба танланг! – деса, эри:

– Бўпти! Душанбадан ўзинг ишга чиқавер, – дермиш.

|   |  |  |  |  |                           |                          |                                  |                               |                            |                                |                            |                              |
|---|--|--|--|--|---------------------------|--------------------------|----------------------------------|-------------------------------|----------------------------|--------------------------------|----------------------------|------------------------------|
| <p><b>Xabar</b></p> <p><b>МУАССИС:</b></p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p><b>Бош муҳаррир</b><br/>Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ</p> | <p><b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b><br/>Шуҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмовжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).</p>  |  | <p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100000, Тошкент шаҳри, Амир Темуր 1-тўр кўчаси, 2-уй (мўлжал: Олой бозори).<br/>Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31, факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси – 228.</p> |  |                           |                          |                                  |                               |                            |                                |                            |                              |
|   | <p>Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нархда.</p> |  | <p>Газета тахририят компьютер базасида терийлид ва саҳифаланди.<br/>Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.<br/>Навбатчи: Усмовжон ЙЎЛДОШЕВ</p>   |  |                           |                          |                                  |                               |                            |                                |                            |                              |
| <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>   | <p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>   | <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.<br/>Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p> | <p>G-1057 сонли буюртма. Офсет усулида босилди.<br/>Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.<br/>Адади: 3931 нусха.</p>  | <p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топирилди – 17.00.<br/>Босишга топирилиши вақти – 24.00.</p> |                           |                          |                                  |                               |                            |                                |                            |                              |
| <p>Вилоят муҳбирлари:</p>   | <p>Андижонда 226-47-80</p>   | <p>Бухорода (99)854-7305</p>   | <p>Жиззахда (94) 199-95-64</p>   | <p>Наманганда (91) 353-71-25</p>   | <p>Навоийда 225-91-10</p> | <p>Нукусда 554-35-45</p> | <p>Самарқандда (91)557-84-44</p> | <p>Термизда (91)235-88-68</p> | <p>Тошкентда 234-18-59</p> | <p>Урганчда (97) 211-65-05</p> | <p>Фарғонада 244-18-05</p> | <p>Қаршида (93)931-08-99</p> |